CALSдан фойдаланиш лоиҳа ишларини сиғимини анча қисқартиради, чунки кўпгина олдин лоиҳалаштирилган қурилмаларнинг ташкилий қисимлари, машина ва тизимларнинг тавсифлари тармоқ серверларининг маълумотлар омборида сақланади ва ҳар қандай CALS технологиялари фойдаланувчилари учун очикдир.

CALS-технологияларининг ривожланиши *виртуал ишлаб чиқаришни* пайдо бўлишига олиб келади. Бундай ҳолларда маҳсулотларни тайёрлайдиган, датур ёрдамида бошқариладиган технологик қурилмар учун спецификация тайёрлайдиган жараён кўпгина автоном лоиҳалаш студиялари орасида тарқалган бўлиши мумкин. CALS-технологияларининг унимдорлиги шундаки долзарб лоиҳалаш ҳисоблари тез ва онсон тарқалади.

Саноъатда лоиҳалаш ва бошқариш учун CALS-технологияларининг асоси тарқалган автоматлаштириш тизимларининг очиклигидадир. Уларни қуриш муомоларидан бири жой ва вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда умумий тизимда маълумотларни интерпритациялаш. Лоиҳалаш, технологик ва эксплуатацион хужатлар стандарт равишда тақдим этилган бўлиши керак. Бундай ҳолларда жой ва вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда, турли CAE/CAD/CAM-тизимларидан фойдаланган турли коллективларда умумий лоиҳаларни мувафакиятли ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Битта конструкторлик хужати бир неча маротаба ҳар хил лоиҳаларда ишлатилган бўлиши мумкин, шунингдек бир хил технологик хужат ҳар хил

ишлаб чиқариш шароитларига туширилган бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида лоиҳалашни ва ишлаб чиқаришни умумий жараёнини қисқартиришга ва арзонлаштиришга олиб келади, бундан ташқари эксплуатацион тизимлар содалашади.

Демак инфор­мацион интеграция CALS-тизимларининг бўлинмас хусусиятидир. Шунинг учу CALS –технологияларига бундай интеграцияни таъминловчи бир катор стандартлар киритилган.

Комплекс САПРларни яратишда асосий муомо бу лоиҳаларнинг муракаблигини бошқариш ва ПОни интеграллашдир. Бу муомолар ўз ичига лоиҳаларни декомпозициялаш, лоиҳалаш ишларини параллеллаш, маълумотларнинг бутунлиги ва х.з.

### **Синов саволлар:**

- 1.Қандай тизимлар автоматлаштирилган лоиҳалаш тизимлари деб аталади?
- 2.Лоиҳалаш босқичлари ҳақида нима биласиз?
- 3.Автоматлаштирилган лоиҳалаш тизимларини синфлаш.
- 4.САПР қандай турларга бўлинади? CALS-технологии
- 5.CALS-технологияси тушинчаси ҳақида нима биласиз?

## **5-МАЪРУЗА.**

### **Компьютер тармоқлари. Тармоқларнинг техник таъминоти.**

#### **Локал ва глобал тармоқлар.**

Режа:

1. Компьютер тармоқлари ҳақида асосий тушунчалар.
2. Локал тармоқлар. Локал тармоқлар топологияси.
3. Локал тармоқларнинг техник ва дастурий таъминоти.

Хозирги вақтда қар бир йирик технологик муаммони катта ҳажмдаги ахборот ва коммуникация жараёнларида қайта ишлашни ташкил қилмасдан туриб қал қилиб

бўлмайди. Хозирда замонавий ишлаб чиқаришни нафақат энергия ва жамғарма манбалари билан, балки жадал ривожланаётган технология даражаларини аниқловчи ахборот манбалари билан қам таъминлаш зарур. Янги ахборот технологияларини ташкил қилишда айниқса компьютер тармоқлари муқим ўрин эгаллайди.

Компьютер тармоқлари (ахборот-қисобловчи) телефон тармоқлари қамда маълумотларни узатувчи махсус тармоқлар орқали бирлашган компьютерлар мажмуидан иборатдир. Ахборотларни маълум масофага узатиш ўтказувчи, симли, радиорелейли ва йулдош алоқа йуллари орқали амалга оширилади. Хозирги вақтда шиша толали симлар орқали оптик алоқа кенг қўлланилмоқда. Умуман олганда, компьютер тармоқларини яратиш учун махсус аппарат таъминоти(тармоқ қурилмаси) ва махсус дастурий таъминот (тармоқ дастурий воситалари) зарурдир. Иккита компьютернинг ўзаро маълумотлар алмашиши учун уланиши тўғри уланиш дейилади. Windows АТ (Windows-98дан бошлаб) да ишловчи компьютерларни тўғри уланишини ташкил қилиш учун махсус аппарат таъминоти қам , дастурий таъминот қам керак бўлмайди. Бу қолда аппарат воситаси бўлиб стандарт киритиш/чиқариш портлари, дастурий таъминот бўлиб эса АТ таркибига кирувчи стандарт воситалар хизмат қилади.

**(Пуск►Программы►Стандартные►Связь►Прямое кабельное соединение).**

Компьютер тармоқларини яратишда хал қилиниши лозим бўлган асосий масала ускуналарнинг электр ва механик жихатларини бирлаштиришни қамда кодлаш тизими ва маълумотлар форматлари бўйича ахборот таъминотини (дастур ва маълумотлар учун) бирлаштиришни таъминлашдан иборатдир. Бу масалани ечими андозалаі соҳасига киради ва OSI (Model of Open System Interconnections-очик тизимларнинг ўзаро ҳаракат модели) деб номланувчи моделга асослангандир. У ISO (International Standards Organization) Халқаро андозалаш институтининг техник таклифлари асосида яратилган.

ISO/OSI моделига асосан компьютер тармоқлари архитектурасини турли сатхларда кўриб чиқиш лозим(сатхларнинг умумий сони еттитагача).

Компьютер тармоқлари архитектурасининг мумкин булган еттита сатхининг қар бирида зарурий бирликни ташкил қилиш учун қайднома деб аталувчи махсус стандартлар мавжуддир. Улар компьютер тармоқларида аппаратларнинг ўзаро боғлиқлик жихатларини(аппарат қайдномалар) қамда дастур ва маълумотларнинг ўзаро боғлиқлик жихатларини(дастурий қайдномалар) аниқлайди. Қайдномаларни қўллаш функцияларини физик жихатдан аппарат қурилмалари(интерфейслар) ва дастурий воситалар(қайдномаларни қўллаш дастурлари) бажаради. Қайдномаларни қўлловчи дастурлар қам қайднома деб аталади.

Ишлатилаётган қайдномаларга қараб компьютер тармоқларини локал(LAN – Local Area Network) ва глобал(WAN – Wide Area Network) тармоқларга ажратиш қабул қилинган.

Локал тармоқлар бу бир-бирига яқин жойлашган(бир хона, бино, ташкилотлар доирасида) компьютерларни бирлаштирувчи тармоқдир. Бунда компьютерларни бирлаштириш учун компьютер жойлашган ташкилотга ажратилган алоқа йўллари ишлатилади. Глобал тармоқлар катталашган геометрик ўлчамлари билан характерланади. Бунда компьютерлар орасидаги масофага ҳеч қандай чекланиш қўйилмаган. Глобал тармоқлар алоқида компьютерларни бирлаштириш билан бирга, турли қайдномалардан фойдаланувчи алоқида локал тармоқларни қам бирлаштириши мумкин.

Компьютер тармоқлари компьютерларни бирлаштира бориб, уларда ахборот ва ресурсларни биргаликда ишлатиш имконини беради. Ахборот бу дисклардаги файлларда жойлашган маълумот ва дастурлардир. Ресурслар эса тармоқда бирлашган компьютерларга ўрнатилган қаттик диск, принтерлар, модемлар ва бошқа қурилмалардир.

Барча турдаги компьютер тармоқларининг вазифалари куйидаги иккита функция орқали аниқланади:

- тармоқнинг аппарат ва дастурий ресурсларини биргаликда ишлатилишини таъминлаш ;
- маълумотлар ресурсларига биргаликда кириш имконини таъминлаш.

Локал тармоқлар учун компьютерлар орасидаги ахборот узатишни секундига 100 Мбит гача олиб чиқадиган юқори тезлик хосдир. Глобал тармоқларда эса ахборотни узатиш тезлиги анча камдир.


Ахборот ресурсларига жамоа бўлиб киришни таъминлаш иккита йўл орқали амалга оширилади:

- фойдаланувчиларни битта компьютерда ишлашини вақтни тақсимлаш йўли билан ташкил қилиш;
- локал тармоқларни ташкил этиш. Бу ҳолда компьютерлардан бири сервер бўлиб хизмат қилиш учун ажратилади. Сервер – тармоқ иштирокчиларини биргаликда ишлатишлари учун ажратилган, маълум функциялар тўпламидан иборат алоқида компьютер бўлиши билан бирга, аниқ муайян амалларни бажарувчи дастур бўлиши ҳам мумкин. Абонент ёки ишчи станция деб зарурат пайдо бўлганда серверга мурожаат қилишни таъминловчи компьютерга айтилади.

Ажратилган сервери йўқ ҳамда барча локал компьютерлари бир-бири билан тенг ҳуқуқда мулоқот қилиши мумкин бўлган компьютер тармоқлари бир даражадаги тармоқлар деб аталади(одатда булар катта бўлмаган тармоқлардир). Компьютер тармоқлари иштирокчиларида тармоқнинг умумий ресурсларига кириш ҳуқуқи турлича бўлиши мумкин. Тармоқ иштирокчилари ҳуқуқларининг чегараси ва бўлиш усуллари мажмуаси *тармоқ сиёсати* дейилади. Тармоқ сиёсатларини бошқариш(тармоқда улар бир нечта бўлиши мумкин) *тармоқни администрациялаш* дейилади. Локал компьютер тармоқлари катнашчиларининг ишларини ташкил қилишни бошқарувчи инсон *тизим администратори* дейилади.


Компьютерни локал тармоққа улашни турли усулларда ташкил қилиш мумкин. Компьютерларни уланиш схемаларига(топология) қараб локал тармоқлар қуйидаги топологияларга эга бўлиши мумкин:

- шина топологияси — барча компьютерлар тармоқ адаптерлари ёрдамида умумий магистралга(шинага) уланади . Тармоқнинг ишлаш жараёнида ишчи станциядан юборилаётган барча ахборот ҳамма ишчи станцияларнинг адапторларига келиб тушади, лекин бу ахборот фақат у аталган ишчи станциянинг адаптори томонидангина қабул қилинади.



- «юлдуз» топологияси — ҳар бир компьютер тармоқ адаптори орқали марказий коммутаторга уланади. Камчиликлари: кўп сонли фойдаланувчиларнинг уланиши катта миқдорда аппарат харажатларини келтириб чиқаради. Замонавий юлдузсимон тармоқларда компьютерларни коммутация қилиш функциялари ва тармоқларни бошқариш тармоқ сервери ва коммутатор ўртасида бўлинган.

### Рабочие станции



- доира топологияси — доира ёки халка кўринишида маълумотларни узатишнинг бир йўналишдаги каналлари мавжудлиги билан характерланади. Ахборотлар ишчи станцияларнинг адапторлари ўртасида токи ишлаб чиқарувчи томонидан қабул қилинмагунча кетма-кет узатилади. Камчилиги: доиранинг бўлиниши тармоқни узилишига олиб келади.



Локал тармоқларни яратиш алоқида ташкилотлар ёки ташкилотларнинг алоқида бўлимлари учун қулайдир. Алоқида локал тармоқларни глобал тармоқларга бирлаштириш мумкин. Бу ҳолда қар хил қайдномаларда ишловчи тармоқлар ўртасида алоқа ўрнатиш учун *шлюз* деб аталувчи махсус восита хизмат қилади. Шлюзлар аппаратли қамда дастурли бўлиши мумкин. Масалан, бу махсус компьютер(шлюзли сервер) бўлиши мумкин ёки компьютер дастури бўлиши ҳам мумкин. Локал тармоқни глобал тармоққа улаганда биринчи ўринга тармоқ хавфсизлиги масаласи қўйилади. Хусусан, локал тармоққа ташқаридан чет кишиларнинг кириш имкони чекланади, қамда мос ҳуқуқи

йўқ фойдаланувчиларга локал тармоқдан четга чиқиш кам чекланади. Локал ва глобал тармоқлар ўртасида тармоқ хавфсизлигини таъминлаш учун *брандмауэрлар* ўрнатилади. Бу тармоқлар ўртасида маълумотларни рухсат берилмаган ҳолда узатилишига қаршилик қилувчи махсус компьютер ёки компьютер дастури бўлиши мумкин.

Барча фойдаланувчилар ўзларининг компьютерларидаги қайси маълумот тармоқ учун умумий кириш имконига эга бўлишини мустақил ҳал қиладилар. Бугунги кунда бир хил даражадаги тармоқлар келажаги йўқ қисобланади. Агар тармоққа ўнтадан ортиқ фойдаланувчи уланган бўлса, у ҳолда ҳам мижоз, ҳам сервер ўрнида келадиган компьютерларга эга бўлган бир хил даражадаги тармоқ етарли даражада унумли эмас деб қисобланади. Шунинг учун кўп тармоқлар ажратилган серверлар билан ишлайди. Ажратилган деб, мижоз ва ишчи станцияларнинг функцияларини эътиборга олмаган ҳолда фақат сервер сифатида иш юритувчи серверга айтилади. Улар тармоқ мижозлари сўровларини тез қайта ишлаш ҳамда файл ва каталоглар қимоясини бошқариш учун махсус мувофиқлаштирилган. Тармоқлар серверлар негизида саноат станлартларига айланган. Тармоқларнинг аралаш хиллари кам мавжуд бўлиб, улар бир хил даражадаги тармоқларнинг энг яхши томонларини ва сервер негизидаги тармоқларни бирлаштирган.

Ишлаб чиқаришда локал қисоблаш тармоғи мумкин ўрин эгаллайди. Локал қисоблаш тармоғи ёрдамида тизимга асбоб, дасурий восита ва ахборотларни бирга ишлатадиган, узоқлашган ишчи ўринларда жойлашган шахсий компьютерлар бирлашади. Ходимларнинг ишчи ўринлари алоқида бўлмасдан, бир тизимга бирлашади. Барча локал қисоблаш тармоқлари компьютер тармоқлари учун қабул қилинган Open Systems Interconnection (OSI) стандартида ишлайди.

**Локал қисоблаш тармоғининг техник таъминоти. Тармоқ қурилмалари ва коммуникация воситалари.**

Компьютерларни локал тармоққа бирлаштириш учун тармоққа уланадиган қар бир компьютерга локал тармоқдан ахборот қабул қилиш ва тармоққа маълумотларни узатиш имконини берадиган тармоқ назоратчисини ўрнатиш керак. Қамда компьютерларни улар орасида ўзаро маълумотлар узатувчи ва тармоққа уланган бошқа қурилмалар(принтер, сканер ва бошқалар) билан боғловчи симлар билан бирлаштириш лозим. Тармоқнинг баъзи турларида симлар компьютерларни бевосита боғлайди, қолганларида эса симлар уланиши концентратор, коммутатор ва бошқа махсус қурилмалар орқали амалга оширилади. Катта бўлмаган тармоқларда тармоқ компьютерлари концентратли симлар билан уланади. Бу симлар уларга уланган компьютерларнинг биридан иккинчисига сигналлар юборади.

Коммуникация воситаси бўлиб кўп ҳолларда вит жуфтлик, коаксиал сим ва шиша толали симлар ишлатилади. Сим танланаётган вақтда қуйидаги кўрсаткичлар эътиборга олинади:

- ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш нархи;
- Маълумотларни узатиш тезлиги;
- Ахборотни узатиш масофаси улчамини чеклаш (қўшимча кучайтиргичларсиз (репитерлар));
- Маълумотларни узатиш хавфсизлиги.

Асосий муаммо бу барча кўрсаткичлар билан бир вақтнинг ўзида таъминлашдар. Масалан, маълумотлар узатишнинг энг юқори тезлиги маълумотлар узатишнинг мумкин қадар максимал масофаси билан чекланган, бунда маълумотларнинг талаб қилинаётган қимоя даражаси албатта таъминланган бўлишини эътиборга олиш лозим. Симли тизимларнинг кенгайишидаги оддийлик ва осон узайиши унинг нархи ва маълумотларни узатиш хавфсизлигига таъсир кўрсатади.

Ишчи станциялар шинага ТАР(Terminal Access Point – терминалнинг уланиш нуқтаси) қурилмаси орқали уланади. ТАР коаксиал симга уланишнинг махсус туридир. Нина формали зонд ташқи ўтказгичнинг сирт қобиғи орқали ўрнатилади ва диэлектрик қатлами ички ўтказгичга ўрнатилиб, унга уланади.

Локал қисоблаш тармоқларида ахборотларни модуллашган кенг қамровли узатиш орқали турли ишчи станциялар ахборотни узатиш ва қабул қилиш учун керакли миқдорда частота олади. Узатилаётган маълумотлар мос частоталарда моделлашади, яъни ахборотларни узатиш муқити ва ишчи станциялар орасида модуляция ва демодуляция учун мос моделлар жойлашади. Кенг қамровли хабарлар техникаси коммуникация муқитида етарли даражада катта хажмдаги ахборотларни бир вақтнинг ўзида узатиш имконини беради. Маълумотларни дискрет транспортировкасини(узатишни) келгуси ривожланишига модемга келиб тушган бошланғич ахборот аналогли ёки рақамли эканлиги ҳеч қандай таъсир қилмайди. Сабаби у келгусида барибир ўзгартирилади.

*Хисоблаш тармоқларидаги учта энг  
типик  
топологияларнинг  
асосий  
характеристикалар  
и.*

| Характеристика                    | хисоблаш тармоқларининг |        |        |
|-----------------------------------|-------------------------|--------|--------|
|                                   | Юлдуз                   | Доира  | Шина   |
| <b>Кенгайтириш</b>                | Озгина                  | Урта   | Урта   |
| <b>Абонентлар қушилиши</b>        |                         | Актив  | Пассив |
| <b>Воз кечишлардан химояланиш</b> | Озгина                  | Озгина | Юқори  |

| <b>Тизим улчамлари</b>                          | <b>Исталган</b> | <b>Исталган</b> | <b>Чегараланган</b> |
|-------------------------------------------------|-----------------|-----------------|---------------------|
| <b>Эшитишлардан сакланиш</b>                    | Яхши            | Яхши            | Озгина              |
| <b>Уланиш нархи</b>                             | Озгина          | Озгина          | Юкори               |
| <b>Тизимнинг куп иш юклатилгандаги холати</b>   | Яхши            | Коникарли       | Ёмон                |
| <b>Вактнинг мавжуд режимида ишлаш имконияти</b> | Жуда яхши       | Яхши            | Ёмон                |
| <b>**Разводка кабели</b>                        | Яхши            | Коникарли       | Яхши                |
| <b>Хизмат курсатиш</b>                          | Жуда яхши       | Урта            | Урта                |

**Ахборотларни узатиш усулларига кура тармокларнинг тузилиш турлари.**

### **Token Ring локал тармоги.**

Бу тармок стандарт IBM фирмаси томонидан ишлаб чикилган. Узатувчи мухит сифатида экранлаштирилмаган ёки экранлашган вит жуфтлик( UPT ёки SPT) ёки шишатола ишлатилади. Маълумотларни узатиш тезлиги 4 Мбит/с ёки 16 Мбит/с.

### **Бу усулнинг асосий коидалари:**

- курилма тармокка доира топологияси асосида уланади;
- тармокка уланган барча курилмалар маълумотларни узатишга рухсат олгандан сунггина узатиши мумкин (маркер);
- вақтнинг ихтиёрий лахзасида тармокнинг факат битта станцияси бундай хукукга эга булади.

### **Пакет турлари:**

- «бошқариш/маълумотлар» (Data/Command Frame) пакети – тармоқда ишлашни бошқариш ёки маълумотларни узатиш бажарилади;
- «маркер» (Token) пакети – станция факат шундай пакет олгандагина маълумотларни узатишни бошлаши мумкин. Битта доирада факат битта маркер ва мос равишда маълумотларни узатиш ҳуқуқига эга бўлган битта станция бўлиши мумкин;
- «олиб ташлаш» пакети (Abort) – бундай пакетни юбориш натижасида маълумотларни узатиш тухтатилади. Тармоқларга компьютерларни «юлдуз» ёки «доира» топологияларида улаш мумкин.

### **ArcNet локал тармоғи.**

ArcNet ( Attached Resource Computer Network) – локал тармоқнинг содда, арзон, ишончли ва ихчам архитектурасидир.

Datapoint корпорацияси томонидан 1997 йилда ишлаб чиқилган. Узатувчи мухит сифатида вит жуфтлик, 93 Ом тулқинсимон қаршиликли коаксиал сим (RC-62) ва шишатолали сим ишлатилади. Маълумотларни узатиш тезлиги - 2,5 Мбит/с. ArcNetplus – кенгайтирилган версияси ҳам мавжуд бўлиб, у маълумотларни узатишда 20 Мбит/с тезликка эга. Қурилмалар ArcNet га уланган вақтда «шина» ва «юлдуз» топологиялари татбиқ этилади.

#### **Бу усул қуйидаги қоидалар асосида ишлайди:**

- қурилма тармоққа доира топологияси асосида уланади;
- тармоққа уланган барча қурилмалар маълумотларни узатишга рухсат олгандан сунггина узатиши мумкин (маркер);
- вақтнинг ихтиёрий лаҳзасида тармоқнинг факат битта станцияси бундай ҳуқуққа эга бўлади.
- битта станция орқали узатилаётган маълумотлардан

тармокнинг колган барча станциялари ҳам  
фойдаланиш имконига эга.

### **Асосий ишлаш принциплари.**

ArcNet да хар бир байтни узатиш учта хизматчи бошла/тухта битлардан ва маълумотларнинг саккизта битидан ташкил топган махсус ISU (Information Symbol Unit – ахборотни узатиш бирлиги) ни юбориш билан бажарилади. Хар бир пакетнинг бошида олти хизматчи битлардан иборат бошлангич таксимотчи АВ (Alert Burst) юборилади. Бошлангич таксимотчи пакетнинг преамбула\* функцияларини бажаради.

#### **ArcNet да пакетларнинг 5 та тури аниқланган:**

1. ITT пакети (Information to Transmit) – узатишга таклиф. Бу пакет тармокнинг бир тугунидан иккинчисига бошқаришни узатади. Бу пакетни олган станция маълумотларни узатиш ҳуқуқига эга бўлади.
2. FBE пакети (Free Buffer Enquiries) – маълумотларни қабул қилишга тайёрлик ҳақидаги суровдир. Бу пакет орқали тугуннинг маълумотларни қабул қилишга тайёрлиги текширилади.
3. Маълумотлар пакети- бу пакет ёрдамида маълумотларни узатиш амалга оширилади.
4. ACK пакети (ACKnowledgments) – қабулнинг тасдиқланиши. Маълумотларни қабул қилишга тайёргарликни тасдиқлаш ёки маълумотлар пакетини хатосиз қабул қилинишини тасдиқлаш.
5. NAK пакети (Negative AcKnowiedgments) – қабул қилишга тайёр эмаслик. Тугуннинг маълумотларни қабул қилишга тайёр эмаслиги ёки пакетни хатолар билан қабул қилиш.

ArcNet тармогида «юлдуз» ва «шина» топологияларини ишлатиш мумкин.

## **Ethernet локал тармоги.**

Ethernet ни етмишинчи йиллар охирида Xerox Corp компанияси таклиф килган.

### **Асосий ишлаш принциплари.**

Ethernet тармогида факат «шина» топологияси ишлатилади.

- тармокка уланган барча курилмалар тенг хукуклидир, яъни узатилаётган мухит буш булса, ихтиёрий станция исталган вақтда узатишни бошлаши мумкин;
- битта станция оркали узатилаётган маълумотлардан тармокнинг колган барча станциялари ҳам фойдаланиш имконига эга.

### **Локал тармоқлар учун тармок амалий тизимлари.**

Замонавий тармок амалиёт тизимларининг(Network Operation System - NOS) ривожланишидаги асосий йуналиш бу хисоблаш ишларининг ишчи станцияларга кучирилиши ва маълумотларни таксимланган ишловли тизимини яратишдир. Бу биринчи навбатда шахсий компьютерларнинг хисоблаш имкониятларини ошиб бориши ва куп масалали OS/2, Windows NT, Windows 9X каби амалиёт тизимларининг тобора купрок кулланилиши билан богликдир. Бундан ташкари объектга мулжалланган технологияларнинг(OLE, ActiveX, ODBC ва бошка) кулланилиши маълумотларнинг таксимланган ишловини ташкил килишни соддалаштириш имконини беради. Бундай вазиятда NOS нинг асосий вазифаси ишчи станцияларнинг бир хил кийматга эга булмаган амалиёт тизимларини бирлаштириш ва маълумотлар омборини кайта ишлаш, хабарларни узатиш, тармокни таксимланган ресурсларини бошқариш каби кенг куламдаги масалаларнинг транспорт сатҳини таъминлаш булиб колади.

Замонавий NOS тармокнинг ресурсларини бошқаришга уч хил ёндашади.

**Биринчи ёндашиш** – бу Объектлар Жадвалларидир (Bindery). NetWare 286 ва NetWare 3.XX тармоқ амалиёт тизимларида кулланилади. Бундай жадвал тармоқнинг ҳар бир файлли серверларида учрайди. У фойдаланувчилар, гуруҳлар, уларнинг тармоқ ресурсларига (маълумотлар, сервис хизмати, тармоқ принтери орқали босмага чиқариш ва шунга ухшаш) кириш ҳуқуқи ҳақидаги маълумотни узида саклайди. Ишни бундай ташкил қилиш тармоқда фақат битта сервер бўлсагина қулайдир. Бу ҳолда фақат битта маълумотлар базасини аниқлаш ва назорат қилишга тугри келади. Тармоқ кенгайтирилганда, янги серверлар қушилганда тармоқ ресурсларини бошқариш масалаларининг ҳажми кескин равишда ошади. Тизим администратори тармоқнинг ҳар бир серверида фойдаланувчининг ишини аниқлаш ва назорат қилишга мажбурдир. Тармоқ абонентлари ўз навбатида тармоқнинг у ёки бу ресурсларининг қаерда жойлашганини аниқ билишлари шарт. Бу ресурсларга кириш имконига эга бўлиш учун эса танланган серверда руйхатда туришлари лозим.

**Иккинчи ёндашиш** - Доменларнинг тузилиши(Domain). LANServer ва Windows NT Server ларда кулланилади. Тармоқнинг барча ресурс ва фойдаланувчилари гуруҳларга бирлашган бўлади. Доменни объектлар жадвалларининг аналогиси сифатида қараш мумкин, фақат бу ерда бундай жадвал бир канча серверлар учун умумий бўлади. Шу билан бирга сервер ресурслари барча доменлар учун умумий бўлади. Шу сабабли фойдаланувчи тармоққа кириш имконини олиши учун доменга уланиши қифоя. Шундан сунг унга домен ресурслари, домен таркибига қирувчи сервер ва қурилмалар ресурсларига кириш имкони бўлади. Фақат бундай ёндашишни ишлатганда қуп сонли сервер фойдаланувчилари ва мос ҳолда доменлари бўлган ахборот тизимларини қуришда муаммолар келиб чиқиши мумкин. Бу ерда бундай муаммолар бир канча доменларнинг узаро

богликлигини ташкил килиш ва уларни бошқариш билан боғлиқдир.

**Учинчи ёндашиш** - Директория ёки Каталогларни номлаш хизмати (Directory Name Services - DNS) Тармокнинг барча ресурслари: тармок босмаси, маълумотларни сақлаш, фойдаланувчилар, серверлар ва шунга ухшашлар ахборот тизимининг алохида тармоги ёки директорияси деб қаралади. DNS ни аниқловчи жадваллар ҳар бир серверда жойлашган бўлади. Бу биринчидан тизимнинг ишончли ва чидамлилигини оширади, иккинчидан эса фойдаланувчиларни тармок ресурсларига мурожаат қилишларини соддалаштиради. Бир сервердан рўйхатдан ўтган фойдаланувчига тармокнинг барча ресурсларига кириш очик бўлади. Бундай тармокни бошқариш доменларни ишлатишдан қўра соддадир. Чўнки доменли ташкилотда фойдаланувчиларнинг ресурсларини ва ҳар бир домен ўчўн алохида кириш имкониятларини аниқлаш лўзим бўлган бир пайтда ў ерда тармокнинг барча ресурсларини аниқловчи битта жадвал мавжуд бўлади.

Хўзирги вақтда NetWare 3.XX ва 4.XX (Novell Inc.), Windows NT Server 3.51 ва 4.00 (Microsoft Corp.) ва LAN Server (IBM Corp.)лар кенг тарқалган тармок амалиёт тизимлари ҳисобланади .

Синов саволлари:

1. Компьютер тармоги нима, тармокнинг қандай турларини биласи?
2. Лоқал тармоқларда қандай топологиялар мавжуд?
3. Лоқал ҳисоблаш тармогининг техник таъминоти.
4. Ахборотларни ўзатиш усулларига қўра тармоқларнинг тузилиш турлари.
5. Лоқал тармоқлар ўчўн қандай тармок амалий тизимлари мавжуд?

## 6,7-МАЪРУЗА.

### Глобал Интернет тармоги. Илмий ишларда Интернет сервисларининг кулланилиши.

Режа:

1. Интернетнинг кискача тарихи.
2. Интернетнинг асосий кайдномалари.
3. Интернет хизматлари.
4. Интернетда ахборот излашнинг кидирув тизимлари ва алгоритмлари.
5. Web-саҳифада навигация.
6. Электрон почтанинг кулланилиши.

60-йилларнинг бошларида АКШ Мудофаа Вазирлиги қошидаги Янги Тадкикотлар Агентлиги(ARPA)нинг асосий тадкикот соҳаси бўлиб компьютер технологияларидан ҳарбий фойдаланиш бўлган. У пайтларда шахсий компьютерлар йук бўлиб, фақат айрим Университетлар 1-2 та катта компьютерларга эга бўлган. Шунга кура бу компьютерларнинг машина вақти жуда қиммат бўлган ва бу компьютерлар суткасига тухтовсиз ишлатилган. Натижада ихтиёрий буш компьютердан исталган вақтда узокдан туриб ишлашга имкон яратиш учун турли Университетлар компьютерларини бирлаштириш фикри пайдо бўлган. Бу лойиҳа ARPANET номини олган. 1969 йиллар охирига келиб 4 та Университет компьютерлари узаро боғланиб, биринчи компьютер тармоқлари пайдо бўлган.

1972 йилда , ARPANET 23 та компьютерни бирлаштирган вақтда тармоқ орқали электрон почта билан алоқа қилувчи дастур яратилди. Бу вақтга келиб бир қанча давлат ташкилотлари шахсий тармоқларини яратишди. Фақат бу тармоқларнинг битта умумий қамчилиги бўлган: улар бир тоифадаги компьютерларни чегараланган микдорда бирлаштиришлари мумкин эди.

70-йиллар урталарида ARPANET учун маълумотларни узатувчи янги андозалар ишлаб чиқилди ва «Интернет» сузи

уйлаб топилди. Кейинчалик TCP / IP кайдномалари номини олган худди шу андозалар глобал компьютер тармокларининг ривожланишига асос булди. 1983 йилда ARPANET тармоги янги кайдномага утди. 1988 йилда Интернет 56 минг компьютерни узида бирлаштирди. Интернетнинг хакикий гуллаши 1992 йилдан бошлаб «Дунё тури» (World Wide Web ёки WWW ёки шунчаки веб) деб ном олган янги хизмат яратилгандан сунг бошланди. WWW Интернетнинг ихтиёрий фойдаланувчисиги матнли ва график материалларни узига жалб этадиган куринишда ва навигациянинг кулай тизимини такдим этган холда босмага чикариш имконини берди. Бора-бора Интернет академик институтлар чегарасидан чикиб, файлларни алмаштириш ва хат ёзиш воситасидан ахборотларнинг улкан омборига айлана борди. 1999 йилга келиб Интернет 60 млн компьютерни ва 275 млн фойдаланувчиларни узида бирлаштирди ва унда хар куни ярим миллион янги веб-хужжатлар пайдо була бошлади.

Шундай килиб, Интернет – компьютерлар орасидаги тугри уланиш мажмуи эмас. Масалан, агар турли улкаларда жойлашган иккита компьютер Интернетда маълумотлар билан алмашиниш имконига эга булса, бу улар уртасида битта тугри уланиш борлигидан далолат бермайди. Уларнинг бир-бирига узатаётган маълумотлари пакетларга булинади. Хаттоки, битта алока сеанси вактида битта хабарнинг турли пакетлари турли маршрутлардан утиши мумкин. Бу холда кеч юборилган маълумотлар олдинрок етиб келиши мумкин. Бу эса хужжатни тугри йигишга халакит бермайди. Чунки хар бир пакет уз маркировкасига\* эга.

Демак, Интернетни, ичида узлуксиз равишда маълумотларнинг циркуляцияси\*\* амалга ошириладиган «фазо» деб караш мумкин. Интернетда ахборотлар тармок тугунларини ташкил этувчи компьютерларнинг биридан бирига утиб юради ва кандайдир ораликда уларнинг каттик дискларида сакланади. Интернет тармогида *хост* деб TCP/IP кайдномаларини кулловчи ва фойдаланувчига тармок хизматларини курсатувчи куп масалали амалиёт тизимида ишловчи компьютерга айтилади.

**TCP/IP кайдномалари.** ISO Халқаро андозалаш институтининг тавсияномасига асосан компьютер алоқа тизимини еттига турли сатхларда қараш қабул қилинган. Замонавий тушунчада TCP/IP – бу битта тармоқ кайдномаси эмас, балки балки турли сатхларда жойлашган иккита кайдномадир.

TCP (Transmission Control Protocol) кайдномаси – транспорт сатхидаги кайдномадир. У ахборотнинг узатилиш жараёнини бошқаради, узатилаётган ахборотнинг тулик етиб боришини назорат қилади. Бу кайдномага асосан , узатилаётган маълумотлар катта булмаган пакетларга булинади ва ҳар бир пакет қабул қилувчи компьютерида ҳужжатни тугри йиғиш учун керак барча маълумотларни сақлаган ҳолда маркерланади\*

IP (Internet Protocol) кайдномаси – манзил кайдномасидир. У тармоқ босқичига тегишли бўлиб, маълумотларнинг қаерга узатилаётганини аниқлайди. Унинг асл моҳияти Халқаро тармоқнинг ҳар бир иштирокчисига узига ҳос ноёб бошқаларда учрамайдиган манзилнинг бўлишидандир. IP манзили 32 бит узунликда ҳар бири 8 битдан иборат турт қисмдан ташкил топган ва ҳар бир қисми 0 дан 255 гача бўлган қийматларни қабул қилади. Қисмлар бир-биридан нуқта орқали ажратилади. Масалан, 356.15.67.11.. IP манзили икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисми компьютер уланган физик тармоқнинг, иккинчи қисми эса тармоқдаги аниқ бир компьютернинг манзилини курсатади. Бу манзилларсиз TCP пакетларини керакли жойга аниқ етиб бориши ҳақида суз юритиш мумкин эмас. IP манзилининг тузилиши шундай ташкил қилинганки, бирон-бир TCP-пакетлари утадиган компьютер шу туртта сон орқали пакет қайси «қушни» га узатилса, тезроқ қабул қилувчига етиб боришини аниқлайди. Пакетларни қайси йул билан жунатиш муаммосини ҳал қилиш учун маршрутлаштирувчи деб номланган, тармоқнинг тугун серверида ишловчи махсус компьютер ёки дастурлар шугулланади.

**Интернет хизматлари.**

Интернет – бу биринчи навбатда ахборот алмашиниш воситасидир. Интернетдан фойдаланиш ёки Интернетда ишлаш хақида суз юритилганда унинг бир ёки бир нечта хизматлари назарда тутилади. Куйган максадларига караб тармок мижозлари у ёки бу хизматлардан фойдаланадилар.

Турли хизматлар турли кайдномаларда ишлайди. Интернетнинг бирон-бир хизматидан фойдаланиш учун компьютерга шу хизмат кайдномаси билан ишловчи дастурни урнатиш керак. Бундай дастурлар мижоз дастурлар ёки мижозлар деб аталади. Интернет бошиданок очик архитектурага эга булган. Бу янги хизматлар зарурат пайдо булгандагина яратилишини билдиради. Уларнинг баъзилари жуда кенг кулланилади, бошқалари эса чекланган микдордаги фойдаланувчиларнинг талабларига жавоб беради, учинчилари эса етакчи ракобатчи хизматлар томонидан сикиб чиқарилади. Куйида купрок танилган ва кенг кулланиладиган хизматлар руйхати келтирилган:

- **Telnet** – компьютерни узокдан бошқаришни кадимдан ишлатилиб келган хизматларидан биридир. Илгари бу хизматдан узокда жойлашган хисоблаш марказларида мураккаб хисобларни бажариш учун кенг кулланилган. Хозирда эса бу хизматлар техник объект ва тизим админстраторларини масофадан бошқаришда ишлатилади.
- **E-Mail** – электрон почтадир. Оддий почта каби вазифалар бажаради, факат тезрок, ишончлирок ва арзонрок. Интернетнинг тарихий бошлангич хизматларидан биридир. Интернетда унинг таъминоти билан махсус *почта северлари* – дастурлар шугулланади. Мижоз почта дастурларининг жуда куп турлари бор, масалан Microsoft Office 2000 таркибига кирувчи Microsoft Outlook 2000. Махсулаштирилган почта дастурларидан The Bat! ва Eudora Pro ларни курсатиш мумкин.
- **MailList** – жунатиш руйхати. Бу махсус тематик\*\*серверлар булиб, улар аник бир мавзу буйича ахборотларни йигади ва уларни электрон почта хабарлари

куринишида керакли манзилга жунатади. Бу хизмат фойдаланувчиларга узларини жунатиш руйхатига киритиш ва руйхатдан учиритиш имконини беради. Жунатиш руйхатини куллаб турувчи сервер дастурий таъминоти жунатиш руйхатининг *менежери* дейилади. Жунатиш руйхатлари билан ишлаш жараёнида иккита почта манзиллари ишлатилади: админстратив ва оддий. Админстратив манзил оркали кичик стандарт буйрукларни жунатиш билан жунатиш руйхатига ёзилиш, руйхатдан утишни тухтатиш, барча руйхатдан утганларни руйхатини олиш ва бошка ишларни бажариш мумкин. Оддий манзил бевосита хабарлар билан алмашиниш учун ишлатилади. Бу манзилга келган хабарларни жунатиш руйхатидан утган барча кабул килади. Жунатиш руйхати модерлаштирилган ва модерлаштирилмаган булади. Жунатишнинг модерлаштирилган руйхатида хар бир хабар жунатишдан олдин тасдиклаш учун модератор деб аталувчи бош тахрирчига юборилади. Модератор инсон булиши ёки компьютер дастури булиши мумкин. Агар дастур булса, саралаш аникланган калит сузлар оркали амалга оширилади. Модерлаштирилмаган руйхатда жунатиш автомат тарзда бажарилади. Руйхатдан утиш жунатишнинг очик руйхатларида автомат тарзда амалга оширилади ва ёпик тарзда модератор тасдикига юборилади. Модераторнинг вазифаси хабарларни реклама куринишида оммавий жунатишга йул куймасликдир.

- **Usenet news** – телеконференциялар хизмати. Телеконференция хизмати электрон почтанинг циркуляр \*\*жунатилишига ухшайди. Бундай жунатиш жараёнида битта хабар битта мухбирга эмас, балки бутун бир гурухга жунатилади (бундай гурухлар телеконференциялар ёки янгиликлар гурухлари деб аталади). Янгиликлар гурухлари серверларига узатилаётган хабарлар бу сервердан у боглик булган барча серверларга узатилади. Хабарлар барча томонларга таркала бориб бир суткадан кам вақт ичида бутун ер шарини камраб олади. Хар бир серверда унга келиб тушган хабар маълум вақт

сакланади(одатда бир хафта) ва барча хохловчилар бу хабарлар билан шу вақт ичида танишиб чиқишлари мумкин бўлади. Турли саволларга, жумладан, туризмдан тортиб то компьютер кайдномаларигача бағишланган минглаб гуруҳлар мавжуддир. Фойдаланувчи уз хоҳишига қараб янгиликларнинг ихтиёрий гуруҳида рўйхатдан утиши мумкин. Янгиликлар гуруҳини ишлатишдан асосий мақсад бутун дунёга мурожаат қилиб уз саволини бериш мумкинлиги ва бу савол ечимини топанлардан жавоб ёки маслаҳат олиш имкони борлигидир. Қўлаб малакали дунё мутахассислари (конструкторлар, муҳандислар, олимлар, врачлар, юристлар, дастурчилар) доимий равишда уз соҳаларига тааллуқли гуруҳларда ўтказиладиган телеконференция хабарларини қўриб борадилар. Бундай қўриб чиқиш ахборот мониторинги деб аталади. Доимий мониторинг мутахассисларга дунёда узларининг соҳалари бўйича янгиликларни қўзатиб бориш, қўпчилик инсонларни ташвишга солаётган муаммолар билан танишиш ва уз ишида нимага қўпроқ эътибор бериш қўраклигини аниқлаш имконини беради. Замонавий саноат ва лойиҳалаш ташкилотларида мутахассислар уз маҳсулотлари фойдаланувчиларининг саволларига телеконференция тизими орқали жавоб бериб боришлари қабул қилинган. Жўнатиш рўйхатидан фарқли равишда янгиликлар гуруҳлари алоҳида мавжуд бўлмасдан, балки умумий иерархияга бирлашгандир. Гуруҳларда нафақат почтани, балки янгиликларни қўлловчи Microsoft Internet News (Windows 95 дан бошлаб Windows таркибига қиради) ёки Netscape Messenger ни ишлатган ҳолда иштирок этиш мумкин Янгиликлардан браузер ва deja.com серверини ишлатган ҳолда фойдаланиш мумкин.

- **Веб-форумлари** жўнатиш рўйхати бажарадиган вазифаларни бажаради, лекин бунинг учун фақат браузерни ишлатади. Улар оддий веб – саҳифа қўринишига эга бўлиб, шундай ташкил қилинганки, ҳар бир фойдаланувчи унга узининг хабарини езиб қўйиши

мумкин. Хозирги вақтда веб-форумлар гуруҳларнинг музокара ва эълонлари учун жуда қулай ва содда восита бўлиб хизмат килмокда. Шу билан бирга улар жунатиш руйхатларига нисбатан Интернетга узоқроқ уланишни талаб килади.

- **FTP** – файлларни узатиш хизмати. FTP хизмати дунё тармокларида маълумотлар архивларини сақлайдиган уз серверларига эгадир. FTP серверлари билан ишлаш учун мижоз томонидан махсус дастур таъминоти урнатилиши мумкин, ваҳоланки WWW браузерлари ҳам FTP кайдномалари билан ишлаш учун қулай бўлган имкониятларга эгадир.
- **IRC** – бир нечта инсонларни бир-бири билан тугридан-тугри алоқа қилиши учун мулжалланган. Фойдаланувчилар тематик\* гуруҳлар каналининг бирортасига уланади ва матн орқали олиб борилаётган суҳбатда иштирок этади. Хар бир фойдаланувчи узининг шахсий каналини яратиши ва унга суҳбат иштирокчиларини таклиф қилиши мумкин. Бутун дунё бўйича мулоқот қилиш мумкин бўлган телеконференция тизимидан фарқли равишда, IRC тизимида мулоқот фақат битта канал атрофида олиб борилади.
- **ICQ** –биринчи навбатда фойдаланувчининг Интернетга уланган IP-тармок манзилини кидириш учун ишлатилади. Дастурнинг биринчи лаҳжа(версия)си 1996 йилда ишга туширилган. Бу хизматдан фойдаланиш учун унинг марказий серверида (<http://www.icq.com>) руйхатдан утиш керак ва UIN (Universal Internet Number) – шахсий идентификацион номер олиш керак. Бу номерни контакт бўйича ҳамкорларга маълум қилиш мумкин. Бунда ICQ хизмати *Интернет-пейджер* вазифасини утайди. Хар сафар Интернетга уланганда фойдаланувчи компютерига урнатилган ICQ дастури жорий IP манзилини аниқлайди ва уни марказий хизматга маълум қилади. Бу хизмат уз навбатида унинг контакт бўйича ҳамкорларини хабардор қилади. ICQ хабарлар билан узаро алмашишга, файл ва

URL жунатишга, тармокда турли уйинлар уйнашга ёки мини-чатда дустлар билан сухбатлашишга рухсат беради. Созлашнинг осон ва кулай тизими талаб килинган конфеденциал сатхни мустакил танлашга имкон беради. 2000 йил бошига келиб дастурдан фойдаланувчилар сони 60 миллиондан ошиб кетди. ICQ хакидаги ахъоротларни <http://www.icq.ru/> серверидан олиш мумкин.

- **WAIS** – контекстда калит сузлар оркали маълумотларни кидиришнинг ойна интерфейсли мулокотли тизимидир. WAIS га суровлар содалаштирилган инглиз тилида юборилади. Интернет тармогида 200 дан ортик WAIS-кутубхоналари мавжуд. Бу кутубхонадаги материалларнинг куп қисми илимий текшириш ва компьютер фанларига тааллуқлидир.
- **Word Wide Web (WWW)** – Интернетнинг оммабоп, машхур хизматидир. WWW – бу *Web-серверларда* сакланувчи юз миллионлаб узаро боглик электрон хужжатлардан ташкил топган бирлашган ахборотлар мухитидир\* фазосидир.\* *Web мухитини*\* ташкил қилувчи алохида хужжатлар *Web-саҳифа* деб аталади. Мавзуси жихатдан бирлашган Web-саҳифа гурухлари *Web-тугунлари (Web-сайт* ёки шунчаки *сайт)* деб аталади. Битта физик Web-сервер етарли даражада куп Web-тугунларни узида саклаши мумкин. Бу тугунларнинг хар бирига сервернинг каттик дискида алохида каталоглар ажратилади. Web-саҳифаларни қуриш учун мулжалланган дастурлар *браузелар* дуб аталади. Браузер хужжат муаллифи матнига киритган буйруқларга асосланиб экранда керакли маълумотларни акс эттиради. Бундай буйруқлар *теглар* деб аталади.

WWW технологиясининг асосий элементлари қуйидагилардир:

- **HTML хужжатларини гиперматнли белгилаш тили.** Теглар ёрдамида матннинг ихтиёрий булагини ёки расмлар оркали бошқа Web-хужжатларни боғлаш, яъни гипермуружаатни урнатиш мумкин. Бу ҳолда

гипермуружаат булиб хисобланган матн ёки расмда сичконча чап тугмасини босиб янги хужжатни чакириш учун суров юборилади. Бу хужжатда бошка хужжатларга гипермуружаатлар булиши мумкин;

- *URL тармогида ресурсларни манзиллашининг универсал усули.* Агар хужжатлар гиперфазосида хар бир хужжат узига хос ноёб манзилига эга булмаганда, Интернет серверларида сакланувчи юз миллионлаб хужжатлар уртасида гиперматнли алока урнатиш мумкин булмас эди. Ихтиёрий файлнинг манзили дунёвий микёсда *URL – ресурсининг унифицированў\** *курсаткичи* билан аникланади. URL манзили учта кисмдан иборат.

1. Берилган ресурсга кириш имкониятини таъминлайдиган хизматни курсатиш. (одатда берилган хизматга мос келувчи амалий кайдноманинг номи билан белгиланади. Масалан, WWW хизмати учун HTTP (HyperText Transfer Protocol – гиперматнни узатувчи кайднома) – амалий кайднома булиб хисобланади. Кайднома номидан сунг иккинукта (:) ва иккита «/» огма чизиклар куйилади):

***http://....***

2. Берилган ресурс сакланувчи компьютер(сервер)нинг домен номини курсатиш:

***http://www.abcd.com....***

3. Берилган компьютерда файлга утишнинг тулик йулини курсатиш. Ажратувчи сифатида «/» белгиси ишлатилади:

***http://www.abcd.com/Files/New/abcdef.zip***

URL-манзилни ёзиш вактида белгилар регистрига риоя килиш мухимдир. MS DOS ва Windows АТларда ишлаш коидаларидан фаркли Интернетда ёзма ва босма харфлар турли белгилар булиб хисобланади.

- Учинчи элемент булиб маълумот алмашиниш кайдномаси – HTTP хисобланади. Бу кайднома гиперматнли хужжатлар билан алмашиниш учун мулжалланган булиб, алмашинишнинг узига хос хусусиятларини албатта эътиборга олади.

- Охирги ташкил этувчи булиб Common Gateway Interface (CGI) спецификацияси хисобланади. У WWW имкониятларини ташки дастурий таъминотни улаш натижасида кенгайтириш учун махсус ишлаб чиқилган. CGI спецификацияси билан мос равишда тузилган дастур CGI- скрипт деб аталади. Улар ихтиёрий дастурлаш тилларида (C, C++, Pascal) ёки буйруқлар тилида (MS DOS, Perl) ёзилиши мумкин..

## **Интернет манзиллари**

Интернетда ахборот ресурсларининг манзилини курсатиш учун бир канча номларнинг тизимлари ишлатилади. Булар ичида номларнинг регионал тизими кенг тарқалгандир. Узининг бошлангич ривожланиш даврида Интернет тармоги кичик улчамларда бўлган ва ҳар бир фойдаланувчи уз номига эга бўлган. Тармок тугунида руйхатхона(регистратура) яратилган булиб, у ерга суровлар юборилган ва жавоб тарикасида ном ва манзиллар руйхатидан иборат файл олинган. Бу файл «*host file*» деб номланган. У доимий равишда тармок бўйлаб тарқалган. Интернет кенгайиши натижасида янги компьютерларга номлар олиш ва уларни руйхатдан утказиш муаммолари пайдо бўлган. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун номларнинг янги тизими қабул қилинган. У номларнинг доменли тизими – DNS деб , манзиллаш усули эса домен принципага асосан манзиллаш деб аталган. Номларнинг домен тизими бу номларни шундай тайинлашқи, бунда тармок гуруҳларига улардаги остгуруҳларга ном бериш жавобгарлиги юклатилади. Бу тизим иерархик принцип асосида қурилади. Бу тизимнинг ҳар бир сатҳи домен деб аталади. 80-йилларда АКШда юқори сатҳнинг биринчи доменлари аниқланган: таълим (edu), савдо-сотик (com), ҳукумат (gov). Интернет халқаро микёсга эга булиб, АКШдан ташқарига чиқканда, миллий доменлар пайдо бўлган, яъни домен географик принцип асосида ташкил қилиниб, икки ҳарфдан иборат давлат кодлари аниқланган. Масалан, uz – Ўзбекистон давлатини, ru - Россияни , us –

АКШни билдирган. Хозирги вақтда 300 дан ортиқ давлат шундай кодга эгадир. Интернетнинг Единўй\* каталоги SRI International – АКШнинг давлат корхонасида жойлашган.

Географик уринни аниқловчи доменлардан сунг минтака ёки ташкилотларни аниқловчи доменлар келади. Сунгра иерархиянинг колган сатхлари келади.

Номларда доменлар бир-биридан нукта билан ажратилади. Биринчи булиб IP-манзилли компьютернинг номи туради. Бу ном халқаро тармок кисми булган гуруг томонидан яратилган ва шу гурух томонидан куллаб кувватланади. Масалан,.....

Домен ном буйича манзилни кидириш куйидаги тартибди бажарилади. Ном киритилгандан сунг компьютер уни манзилга айлантириши керак. Бунинг учун у DNS-сервердан ёрдам сурайди. Булар мос базага эга тармоклардир. DNS-сервер номни кайта ишлашни унинг унг томонидан охиридан бошлайди ва чапга қараб юради.

### **Интернетда ахборотларни кидириш.**

Интернетда ахборотларни кидириш кидирув серверлари орқали амалга оширилади. Кидирув серверлари деб Интернетнинг барча ресурсларини автомат равишда куриб борадиган ва уларнинг мазмунини индексируют\* қиладиган ажратилган компьютерларга айтилади. Бундай серверга сизни қизиқтираётган мавзу буйича бирон-бир жумла ёки қалит сузлар юборишингиз натижасида сервер сизга суровингиз буйича ресурслар руйхати, яъни керакли маълумотлар жойлашган саҳифаларга гипермуружаатлар руйхатини чиқариб беради. Хозирги вақтда қўлаб бундай серверлар мавжуддир, масалан, InfoSeek ([www.infoseek.com](http://www.infoseek.com)), Rambler ([www.rambler.ru](http://www.rambler.ru)), Яндекс ([www.yandex.ru](http://www.yandex.ru)). Кидирув тизимларини кидирув усуллариға қўра классифицируют\* Кидирув тизимининг ойнаси 1-расмда келтирилган.

Интернетда ахборотни кидиришни каталоглар ёрдамида ҳам амалга ошириш мумкин. Интернет каталогларида турли тармок ресурслариға, биринчи навбатда WWW хужжатлариға муружаатларнинг тематик\* жихатдан тармоклашган

мажмуаси сакланади. Каталогларга мурожаатлар автомат тарзда эмас, балки шу ишлар билан махсус шугулланувчи инсонлар томонидан киритилади. Фойдаланувчига иерархик таркибнинг булим ва булим остларида мустакил ҳаракат қилиш таклиф қилинади, сабаби куйи сатҳларда эътиборни тортувчи мурожаатлар жойлашган бўлади. Кидирув каталоги кидирувнинг юкори сифатини таъминлайди. Ҳозирги вақтда тармокнинг глобал каталоглари кенг қулланилмоқда, масалан Yahoo! ([www.yahoo.com](http://www.yahoo.com)), atRus ([www.atrus.ru](http://www.atrus.ru)).



1.расм Rambler.ru кидирув тизимининг ойнаси.

**Кидирув индекси** берилган калит сузлар оркали кидирувни таъминлайди. Кидирув натижасида берилган жумлаларга эга булган Web-саҳифаларга гипемурожаатлар туплами пайдо бўлади.

Аник мавзу буйича бошлангич кидирув олиб борилганда кидирув каталогларидан фойдаланиш максадга мувофиқдир. Кидирув индекслари уз мутахассислиги буйича Интернет ресурслари билан яхши таниш булган мутахассисларга жуда хам фойдалидир. Кидирув индекслари

тор сохадаги, купчиликка маълум булмаган ресурсларни топишга имкон беради.

Internet Explorer 5.0 дастурида кидирув тизимларига мурожаат килмасдан туриб кидиришнинг махсус воситалари бор. Бунинг учун **go, find** калит сузларини ёки ? ва калит жумлани ёки калит сузлар тупламини киритиш лозим. Кидирув тармок тизими ёрдамида амалга оширилади. Кидирув натижалари мурожаатлар руйхати куринишида акс этирилади.

Юкорида келтирилган кидирув тизимларидан ташкари куйидаги махсус кидирув серверлари хам мавжуддир:

- Ташкилотларнинг E-mail ини , манзилини ва инсонларни кидириш учун: Fourll Directory, Lookup, Nynex Interactive Yellov Pages for business, Phone Directory;
- Дастур таъминотини кидириш учун: FTP Search, Jumbo;
- Телеконференцияларда кидириш учун: DeJaNews.

### **WWW да ахборотларни куриш.**

Web нинг гипермухит(гипермедия)ли хужжатлари HTML-форматдаги файл куринишида булади. Уларни куриш учун Интернет-шархловчи ёки браузер деб номланган махсус дастурлар керак. Купгина шархловчилар график куринишда булиб, Windows 95 дан бошлаб Windows нинг барча кейинги лахжаларида ишлайди. Microsoft Internet Explorer ва Netscape Navigator лар энг оммабоп браузерлардир. Internet Explorer ни юклаш

**Пуск►Программў►Internet Explorer** буйруklarини бажариш билан ёки **Ишчи столда** Internet Explorer пиктограммасини босиш билан амалга оширилади. Internet Explorer ойнаси Windows нинг бир канча иловалари каби график интерфейс элементларига эга. Масалан, сарлавхакатори, бош меню, асбоблар панели, утказиш йуллари. Шархловчи ойнасининг энг керакли элементи булиб, Web-сахифаларининг манзилини курсатувчи **«Адрес»** майдони хисобланади. **«Вид»** менюсидан фойдаланган холда Internet Explorer панелининг таркибини узгартириш мумкин. **«Сервис»** менюси электрон почта ва янгиликлар билан

амаллар бажариш учун Microsoft Outlook дастурини чакириб бериш имконига эгадир. Дастур, файл, папка ва танланган Web-сахифаларга киришни янада соддалаштириш учун, асбоблар панелини Windows нинг масалалар панелига жойлаштириш мумкин.

### **Webда ахборотларни кидириш..**

Webда ахборотларни кидириш бир неча усуллар оркали амалга оширилиши мумкин. Улардан бири – URL манзиллари – «**Адрес**» майдонида акс этувчи универсал локатор ресурсларидир. Internet Explorer юкланиши билан автомат тарзда «домашняя» сахифаси юкланади. Куп холларда бу сахифа Web – шархловчини ишлаб чиккан корхона махсули булади. Web га кириб бориш учун «**Адрес**» майдонида манзилни тулик киритиш керак, масалан\*

### **Web-сахифада навигация.**

Web-сахифада навигация килишнинг бир нечта усуллари мавжуд.

**Связи(Алокалар)** – бу ажратилган матн ёки пиктограмма булиб, кушимча ахборотларни куриш учун ишлатилади. Алока урнатилаётганда объект устида сичкон курсаткичи кул панжаси куринишини олади. Бу объектнинг гиперматнли мурожаат эканлигини билдиради. Хар бир алока Web нинг бошка хужжатини ёки график тасвирни, видео- ёки аудиоклипларни ёки бошка файлни курсатиб беради.

**Краснѐе связи(Кизил алокалар)** – кайта кириб утирмаслик учун сиз ташриф буюрган станциялар алокаларини курсатади.

**Назад(оркага)** тугмаси – олдинги хужжатга кайтаради. **Вперед(олдинга)** тугмаси кейинги хужжатни чикаради.

**Домой(уйга)** тугмаси – Internet Explorer га кирганда пайдо булган биринчи сахифани кайта юклайди.

**Обновить(янгилаш)** тугмаси– агар жорий чикарилаётган хужжат узатиш ватида бузилган булса, уни кайта юклайди.

**Журнал** тугмаси– стандарт асбоблар панелида катнов руйхатини курсатади. Бу эса олдин кирилган жойларга қайта кириш имконини беради.

Explorer бир вақтнинг узида Web нинг бир канча хужжатларини очиш имконини беради. Бунда ҳар бир хужжат алоҳида ойналарда акс этади. Бунинг учун **Файл►Создать►Окно** буйруқлар кетма-кетлигини бажариш лозим.

Internet Explorer **«Избранное»** папкасига керакли саҳифаларни ёзиб қуйиш имконини беради. Бунинг учун кушилаётган саҳифага утиш, сунгра **«Избранное»** менюсида **«Добавить в избранное»** булимини танлаш лозим.

Танланган саҳифалардан бирини очиш учун **«Избранное»** менюсидаги руйхатдан керакли саҳифа танланади. Танланган саҳифалар купайиб кетса, уларни папкалар бўйича тартибга солиш мумкин.

Internet Explorer Web-саҳифаларида тез-тез ишлатиладиган манзилларни манзиллар катори ёнида жойлашган жунатиш панелига ёзиб қуйиш имконини беради. Саҳифани жунатиш панелига бир нечта усулларда ёзиб қуйиш мумкин:

- танланган саҳифанинг пиктограммасини манзиллар каторидан жунатиш панелига олиб утиш;
- мурожаатни Web-саҳифадан жунатиш панелига олиб утиш;
- мурожаатни **«Избранное»** руйхатидаги **«Ссылки»** папкасига олиб утиш.

Саҳифани чақириш учун унга мурожаатни танлаш кифоя.

Агар Web-саҳифадаги ахборотларни қуриш вақтида экрандаги матн тушунарсиз белгилар орқали ёзилган бўлса, у ҳолда гиперматннинг кодини узгартириш керак. Кодлаш автомат тарзда бажарилиши учун **«Вид»** менюсидаги **«Вид кодировки»** булимида **«Автоматический вѳбор»** опциясини ишга тушириш керак.

## Электрон почта

Электрон почта – Интернетнинг харажат жихатдан энг фойдали хизматларидандир. Одатда у ер шарининг ихтиёрий нуктасига бир неча дакикада етиб боради. Электрон почта манзили икки кисмдан иборат:

**абонент\_номи@Интернетда\_компьютер\_манзили**

Масалан, [shavkat@tgtu.sarcor.uz](mailto:shavkat@tgtu.sarcor.uz). Почта манзилини ёзма ёки босма харфларда ёзишнинг фарки йук.

Электрон почта куп холларда куйидагича ишлатилади. Провайдер билан боғланиб, почта дастури ишга туширилади ва йигилиб колган почта олинади. Жавоб ва янги хатларни тайёрлаб, уларни жунатилади. Агар бирон-бир мактубни уша захоти манзилга етказишнинг иложи булмаса, масалан, унинг почта кутиси жойлашган сервер ишламаётган булса, у холда мактуб жунатиш учун навбатга куйилади ва хар 10-15 дакикада жунатиш учун харакат килинади. Агар бир неча соатдан сунг хам хабар жунатилмаган булса, у холда жунатувчи, юборилган хабар нусхаси бириктирилган биринчи билдириш коғозини олади. Бир неча кун мобайнида хабарни жунатиш учун харакат килинади. Агар бу харакатлар натижа бермаса, у холда жунатувчи иккинчи билдириш коғозини олади, албатта жунатилган хабар нусхаси билан. Шундай килиб, хар бир жунатилган хабар изсиз йуколиб кетмайди.

Почта дастурлари шахсий компьютерлар учун почтани жунатиш ва кабул килишда турли кайдномаларни ишлатади. Почта жунатилаётганда дастур чикаётган почтанинг сервери ёки SMTP-сервери билан узаро харакат килади. Почтани кабул килиш POP3 кайдномасига асосланиб амалга оширилади. Кабул килувчининг манзилига келган мактублардан танланган холда нусха олишни таъминловчи IMAP кайдномаси хам ишлатилади.

Жуда куп почта дастурлари мавжуд булиб, уларнинг купи текиндир. Куп таркалган дастурлар куйидагилардир:

- **Microsoft Internet Mail** – Windows 95 дан бошлаб барча амалиёт тизимларининг таркибига урнатилади. Энг янги лахжасини [www.microsoft.com](http://www.microsoft.com) серверидан кучириб олиш мумкин. Бу дастур рус тилида ёзилган мактублар билан

сифатлирок ишлайди, аммо IMAP кайдномасига асосланмайди.

• **Outlook Express.** Internet Explorer да электрон почта билан ишлаш учун Outlook Express компонентаси мавжуддир. Уни юклаш учун **«Сервис» Почта»** буйруклари танланади ва килинмокчи булган ишга караб керакли буйрук танланади.

Янги хабар яратиш учун **«Создать сообщение»** буйруги танланади. Очилган ойнада **«Формат» Вид кодировки»** буйрукларини танлаб, хабар белгиларининг кодлари аникланади, кабул килувчининг манзили киритилади, хабарнинг мавзуси курсатилиб, хабарнинг матни киритилади. Матнга расм урнатиш учун **«Вставка» Рисунок»** буйруклари танланади, **«Рисунок»** ойнасини очиб, файл танланади, хабар бланкасида унинг жойланиш параметрларини курсатиб, **«ОК»** тугмаси босилади..

Хабардан матн булагини ажратиб ва **«Вставка» Гиперссёлка»** буйрукларини танлаб, Интернетда Web-хужжатнинг манзилини аниклаш мумкин. **«Формат» Фон»** буйруклари оркали фон расми ва товушни, хабарнинг фон рангини аниклаш мумкин.

Бирон-бир файлни хабар билан жунатиш учун **«Вставка»** мулокот ойнасида папка ва файлни танлаб, Outlook Express стандарт асбоблар панелида **«Вложить»** тугмасини босиш керак. Шундан сунг хабарлар бланкида жунатилаётган файл номи курсатилган **«Присоединить»** майдони пайдо булади.

Тайёрланган хабарларни юбориш учун **«Отправить»** тугмаси босилади. **«Исходящие»** папкасида бир нечта хабарларни тайёрлаш мумкин. Хабарларни тайёрлашни **«Файл» Отправить позже»** буйрукларини танлаш билан якунлаш лозим. Бу холда барча тайёрланган хабарлар тармок уланиши билан жунатилади.

Тармокка уланиш билан Outlook Express почта серверидан хабарларни юклайди. Хабарларни олиш учун **«Сервис» Почта и новости» Чтение почтў»** буйруклари танланади. Олинган хабарларни куриш учун Outlook Express панелидаги ёки папкалар руйхатидаги **«Входящие»** папкасининг тугмасини босиш керак. Алохида ойнада

хабарларни куриш учун хабарлар руйхатида сичконча тугмасини икки маротаба босиш керак. Хабарга жавоб ёзиш учун стандарт асбоблар панелида «**Ответить**» тугмасини босиш керак.

Outlook Express IMAP-кайдномасига асослангандир.

- Netscape Messenger – Netscape Communicator таркибига кирувчи Netscape фирмасининг текин дастуридир. У Outlook Express нинг афзалликларига эгадир.
- Eudora – Qualcomm фирмасининг почта дастури булиб, дастурнинг тулик версияси сотилади. Рус тилида мактублар ёзиш учун тавсия этилмайди.

Почта дастури бошлангич юкланганда созлаш дастури автомат тарзда юкланади. У кирувчи ва чикувчи почта серверларининг манзили ва номи каби ахборотларни сурайди. Балки алохида фойдаланувчининг номи хам суралиши мумкин. Бу ном почта манзилининг «@» белгисидан чап томонда жойлашган кисмидир. Почтани текшириш мобайнида «Запомнить пароль» деб белгилаб куйилмаса, дастур парол киритилишини сурайди. Агар дастур POP3 кайдномаси билан бир каторда IMAP кайдномасига хам асосланган булса, у холда созлаш вақтида POP3 кайдномасини танлаш тавсия килинади.

Почта дастури булмаса хам почтадан фойдаланиш мумкин. Купгина шундай серверлар мавжудки, улар текинга почта кутиларины таклиф килади ва почтада факат браузердан фойдаланган холда ишлаш имконини беради. Булар mail.ru, [www.tomcat.ru](http://www.tomcat.ru), hotmail.com, mail.yahoo.com ва бошка хизматлардир. Почтадан бундай фойдаланиш маълум кадр-кимматга эгадир. Электрон почта манзилини узгартирмасдан туриб, провайдерларни узгартiriш мумкин. Почтани Интернетга уланган ихтиёрий компьютер оркали куриш мумкин. Бундай почтанинг камчилиги, Интернетга уланиш вақтини почта дастурлари имкони каби камайтириш мумкин эмаслигидадир. Яна шуни таъкидлаш лозимки барча учун кириш мумкин булган почта серверлари куп холларда перегружен\*.

Синов саволлар:

1. Компьютер тармоклари , уларнинг тузилиши ва кулланилиши.
2. Тармок турлари ва уларда ахборотларни узатиш усуллари.
3. Интернет нима? У кандай имкониятларга эга?
4. Интернетда ахборот кидиришнинг кандай имкониятларини биласиз? Ахборт кидирув серверларининг каталоглардан фарки кандай?
5. Интернет сервислари ва уларнинг кулланилиши.
6. WWW нима. WWW технологиясининг асосий компоненталари нималардан иборат?
7. Internet Explorer фойдаланувчига Интернетда навигация қилишнинг кандай усулларини тақдим этади?
8. Интернетда кандай мулоқот серверларини биласиз, улар кандай афзалликларга эга?
9. Электронная почта нима, унинг кандай хусусиятлари ва афзалликлари бор?
10. Интернет да конференциялар нима учун яратилади?

## 8-МАЪРУЗА.

### **Компьютер хафсизлиги муомолари, уларни хал қилиш усуллари.**

Режа:

1. Компьютер хафсизлиги тушинчаси.
2. Компьютер вируслари.
3. Антивирус химоя усуллари ва воситалари.
4. Интернетда ишлаганда хафсизлик усуллари.
5. Тармоқда ахборотни криптографик тизим мухофазаси.

Хисоблаш техникасида хафсизли тушинчаси кенг миқёсга эга. У ўз ичига компьютернинг ишлаш унимдорлигини, қиматли ахборотларни сақлашни,

ахборотларга керак бўлмаган ўзгартиришларни киритишдан сақлашни, электрон алоқада ёзишмаларни сир сақлашни олади. Хисоблаш техникасида ишлатиш ҳуқуқи амалиёти етарлича ривожланмаган, шунинг учун компьютер тизимларининг ишлаш ишончилиги ўзини муҳофаза қилиш усуларига таянган.

## **Компьютер вируслари**

Шахсий компьютерлардан оммавий фойдаланиш вирус-дастурларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Вирус-дастурлар эса компьютернинг тўғри ишлашига қаршилик қилади, дискдаги файл тизимини бузади ва компьютерда сақланаётган ахборотга зарар етказди. Компьютер вируси – бу дастурий код бўлиб бирор бир бошқа ҳужжат ёки дастурга, ёки ахборот ташувчининг маълум жойига жойлашган бўлиб ўша компьютерда ножўя ҳаракатларни бажариш учун мўлжалланган. Вирус «тўлиқ изоляций» ҳолатида бўлаолмайди: у ўзига бошқарувни узатилишини таминлаши керак, бунинг учун у бошқа дастурларнинг кодларидан, файл структураси ҳақидаги ахборотдан ёки бошқа дастурларнинг номларидан фойдаланади.

*Компьютер вируси – бу махсус ёзилган дастур бўлиб, у бошқа дастурларга мустақил равишда қўшилиши, ўзининг нусхасини яратиб файлларга, компьютер тизими муҳитига ва хисоблаш тармоқларига кириб бориб, дастурларнинг ишлашини бузади, файл ва каталогларни ишдан чиқаради, шунингдек компьютернинг иш фаолиятига ҳар тарафлама ҳалақит беради.*

Ҳозирги вақтда 5000дан кўпроқ вирус дастурлар бўлиб уларни имкониятига кўра синфлаш мумкин. Масалан қуйдагича:

- Вирус жойлашган муҳитга қараб;
- Вирус жойлашган муҳитда зарарлантириш усулига қараб;
- Таъсирига қараб;

- Алгоритмга қараб.

Жойлашган мухитга қараб вирусни тармоқли, файлли, юкланувчи ва юкланувчи файллиларга бўлиш мумкин. **Тармоқ вируслари** турли компьютер тармоқлари бўйлаб тарқалади. **Файлли вируслар** асосан бажарилувчи моддулларга кириб олади, яний .exe ёки .com. кенгайтмали фалларга. Файлли вируслар бошқа турдаги файлларга ҳам кириб олиши мумкин, аммо бундай ҳолда вирус кўпайиш хусусиятини йўқотади. **Юкланувчи вируслар** дискнинг юклўвчи сектўрига (Boot-сектор) ёки тизим дискининг юклўвчи дастур (Master Boot Record) жойлашган секторига кириб олади. **Юкланувчи файлли** вируслар файлларни ва дискнинг юклўвчи сектўрини ишдан чиқаради.

Юқиш усулига қараб вируслар резидент ва норезидент вирусларга бўлинади. Резидент вирус юкганда компьютернинг тезкор хотирасида резидент қисмини қолдиради ва унинг ёрдамида амалиёт тизими мурожаат этган объектларга вирусни киритади. Резидент вируслар хотирада жойлашади ва компьютер ўчирилгунча ёки қайта юклангунча фаол бўлади. Норезидент вируслар компьютер хотирасини зарарлантормайди ва чекланган вақт фаол бўлвди.

Таъсир қилиш даражасига қараб вирусларни гуруҳларга бўлиш мумкин:

- Хафсиз ва компьютер ишига ҳалакит бермайди, лекин тезкор хотира ва дисктаги хотира ҳажмини камайтиради. Бу вирусларнинг таъсири бирор бир график ёки овозли эффектларда билинади,

- Хафли вируслар, бундай вируслар таъсирида компьютер иш фаолиятида турли хил носозликлар келиб чиқиши мумкин;

- Жуда хафли вируслар, бундай вируслар таъсирида дастурларни, маълумотларни йўқотиш мумкин, шунингдек дискнинг тизим мухитида маълумотлар ўчиб кетиши мумкин

- Вирусларнинг ҳар хил бўлганлиги сабабли уларни алгоритми турига қараб синфлаш қийин. Одий

вируслар – *паразитик*, улар файл ва дискнинг секторлари таркибини ўзгартириб ташлайди, шу билан бирга уларни тез топиш ва йўқотиш мумкиони . Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, ҳаётда деб аталмиш, репликатор вируслар компьютер тармоқлари бўйлаб тарқаладилар, улар тармоқ компьютерларнинг манзилларини аниқлаб уларга ўз нусхаларини ёзадилар. *Степс-вирус* деб аталмиш кўринмас вируслар ҳам бор. Уларни топиш ва зарарсизлантириш жуда қийин чунки улар амалиёт тизимининг зарарланган файлларга мурожаатини ушлаб олиб ,ўзининг танаси ўрнига дискнинг зарарланмаган жойига йўналтиради. Полиморф вирусларни (мутант вируслар) аниқлаш қийинроқ, чунки улар шифрлаш ва шифрни аниқлаш алгоритмига эга. Шу сабабли уларнинг нусхалари бир хил қайтариладиган байтлар кетмакетлигига эга эмас. Шунингдек *квазивир*с ёки «троянские» деб аталмиш дастурлар бор, улар ўз-ўзидан кўпайиш хусусиятига эга бўлиб жуда ҳафли ҳисобланади. Керакли дастур ниқобида остида дискнинг файл тизимини ва юклўвчи секторини ишдан чиқарди.

Компьютер вирусларини тоифаларига қараб ҳам синфлаш мумкин:

- Дастурий вируслар;
- Юклўвчи вируслар;
- макровируслар.

Вирус дастурла-бу дастур кодининг блоклари бўлиб, бошқа амалий дастурлар ичига жойлашади. Вирус билан зарарланган дастур ишга туширилса унинг ичидаги имплантант вирус коди ҳам ишга тушади.Бу коднинг ишга тушиши фойдаланувчига кўринмаган ҳолда қаттиқ дискнинг файл тизимида ёки бошқа дастурлар таркибида турли ўзгаришлар келтириб чиқаради. Вирус кодибошқа дастурлар танасида ўз-ўзидан кўпайиши мумкин бундай процесс кўпайиш деб аталади.Маълум вақт ўтгандан сўнг, вирус кераклича нусха яратгандан сўнг, вирус дастурлар дастурларнинг ва операцион тизимнинг иш фаолиятини

бузади, дискда сакланаётган ахборотни ўчириб ташлайди. Бундай процесс вирусли хужум деб аталади.

Компьютернинг аппарат таъминоти ҳеч қандай вирус буза олмайди деб ҳисобланади. Лекин айрим ҳолларда бузилган дастурларни қайта тиклаш учун аппарат воситаларни алмаштиришга тўғри келади. Масалан замонвий платаларда киритиш-чиқариш база тизими (BIOS) қайта ёзувчи доимий хотира қурилмасида сақланади (флэш-хотира деб аталмиш). Флэш-хотиранинг микросхемасида ахборотни қайта ёзиш учун айрим вируслар ишлатилади, улар BIOSдаги ахборотни ўчирадilar. Бундай ҳолларда зарарланишни йўқотиш учун BIOSнинг микросхемасини алмаштириш керак ёки программаторда қайта дастурлаш керак.

Вирус дастурлар компьютерга, текширилмаган дастурлар ташқи ахборот ташувчидан ишга туширилса ёки Интернетдан қабул қилинса, юқади. Зарарланган файллардан фақат нусха олинса компьютер зарарланмайди. Шунинг учун Интернетдан қабул қилинган барча ахборотлар албатда ҳафсизлика текширилиши шарт. «Троянский конь» вирус дастурини тарқатилиши оддий- электрон почтада қўшимча бор керакли дастурни очиб қўйиб юбориш таклифи.

Вирус дастурлар юкланувчи вируслар тарқалиш усули билан фарқ қилади. Улар дастурий файлларни эмас балки магнит дискларнинг малум тизим соҳасини зарарлантирадидатда зарарланиш компьютерни магнит дискдан юклантирганда рўй беради. Бундай дискнинг тизим соҳаси юкланувчи вирус билан зарарланган бўлади. Компьютерни юмшоқ дискдан юклаш вақтида вирус олдин тезкор хотирага сўнг қаттиқ дискнинг юклўвчи секторига ўтиб олади. Кегинчалик бу компьютер ўзи юкланувчи вирусни тарқатувчи манба бўлиб қолади.

Макровируслар макрокомандаларни бажарувчи воситали амалий дастурли ҳужжатларни ишдан чиқаради. Бундай ҳужжатларга Word матин процессори ҳужжатлари киради. Агар макрокомандани бажариш имконияти ўчирилмаган бўлса, зарарланиш дастур дарчасида файлни очганда рўй берадиэ.

Дискни зарарлантирувчи оддий юкланувчи вируснинг ишлаш схемасини кўриб чиқамиз. Юкланувчи вируснинг икита қисми ажратилади-боши ва думи. Думи бўш бўлиши мумкин. Ёзишдан мухофаза қилинмаган диск компьютерга қўйилиши билан юқиш бошланади. Вируснинг инфекцияси қуйдагича ўтади:

- Дикнинг бирорбир соҳасини ажратади ва амалиёт тизимига киришни ман қилади (оддий ҳолларда вирус эгаллаган секторлар бузиқ деб белгиланади- bad);
- Дискнинг ажратилган соҳасиги ўзининг думини нусхасини ва оригинал (соғлом) юкловчи секторини ҳам кўчиради;
- Юкловчи сектордаги бошланғич юкловчи дастурни ўзининг боши билан алмаштиради;
- Бошқаришни узатиш кетма-кетлигинини схемага биноан ташкил қилади.

Шундай қилиб бошқарувни биринчи бўлиб вируснинг бўши олади, вирус хотирага жойлашади ва оригинал юкланувчи секторга бошқарувни узатади. Шундай қилиб тўғри юкланиш кема-кетлиги **Бошланғич юклаш дастури (ПЗУ) → Бошланғич юклаш дастури (диск) → Тизим ўрнига юкланиш Бошланғич юклаш дастури (ПЗУ) → Вирус → Бошланғич юклаш дастури (диск) → Система кетма-келиги бўйича** бажарилади.

Файлли вируслар қуйдаги схема бўйича ҳаракат қилади. Бажарувчи файлни ишга туширишда тизим каталогдаги ёзувдан файлнинг биринчи кластерини ўқийди сўнг қолган кластерларни. Вирус дикнинг бўш секторларига ёзилади ва шу секторларни ишдан чиққан секторлар деб белгилайди. Бундан ташқари бажарилувчи файлларнинг биринчи кластери ҳақидаги ахборотни сақлаб қўяди ва унинг ўрнига ўзига мурожаатқилиш ахборотини жойлаштиради. Шундай қилиб ҳар қандай файлни ишга туширишда вирус бошқарувни ўзи олади (амалиёт тизими ўзи вирусни ишга туширади), резидент равишда хотирага жойлаштирилади ва бошқарувни чакирилган файлга узатади.

Компьютер вирусининг пайдо бўлиши ва тарқалиши сабаблари нафақатгина инсонинг шахсий психологияси ва унинг қора томонларига ( хастгўйлик, ичи қоралик ва х.з) боғлиқ, балим муҳофаза қилш аппарат воситаларининг йўқлиги ва компьютернинг амалиёт тизими томонидан қаршилиқ йўқлигидан ҳам иборат.

### **Антивирус муҳофаза усуллари ва воситалари.**

Компьютернинг асосий зараланиш белгилари қуйдагилардан иборат:

- Аввал ишлаб турган дастурларнинг нотўғри ишлаши ёки умуман ишламаслиги;
- Компьютернинг секин ишлаши;
- Амалиёт тизимининг юкланмаслиги;
- Файл ва каталогларнинг йўқолиши ёки таркибининг бузилиши;
- Файлнинг модификациялаш вақтининг ва кунинг ўзгариши;
- Файл ўлчамининг ўзгариши;
- Дискдаги файлларнинг сонини кутилмаганда кўпайиб кетиши;
- тезкор хотирадаги бўш жойнинг билинарли даражада камайиши;
- кутилмаган ахборотларнинг ёки тасвирларнинг экранда пайдо бўлиши;
- компьютернинг иш фаолиятида тез-тез тўхтаб қолиши ёки носозликлар келиб чиқиши.

Компьютер вирусларидан муҳофаза қилишнинг учта чегараси мавжут:

- вирусларнинг келишини олдини олиш;
- агар компьютерга вирус тушган бўлса вирус хужумидан сақланиш;
- агар хужум бўлган бўлса унинг бузғунчилигини бартараф этиш.

Шунингдек мухофаза қилишнинг учта усули

мавжут:

- мухофазанинг дастурий усули;
- мухофазанинг аппарат усули;
- мухофазани ташкил қилиш усуллари.

Маълумотларни мухофаза қилиш асосий

воситаларидан бири маълумотларнинг резерв нусхасини

олид қўйишдир. Мухим ёки махфий ҳужжатларнинг резерв

нусхалари сейфларда сақланади. Дастурий мухофаза

усуларига антивирус дастурларидан фойдаланиш киради.

Улар қуйдаги турларга бўлинадилар:

**1. детектор-дастурлар.** Улар тезкор хотира ва файлларда вирусни кидирадилар, агар вирус топилса бу ҳақида керакли ахборотни берадилар. Уларнинг камчилиги шундан иборатки, улар фақат бу дастурни ишлаб чиқган мутахасисга таниш бўлган вирусларни топа олади;

**2. доктор-дастурлар, фагалар, вакцина-дастурлар.** Улар зарарланган файлларни кидирадилар ва тузатадилар, яний файлдан вирус дастурнинг танасини олиб ташлайдилар. Вирусни топиш ва уни йўқотиш энг аввал тезкор хотирада амалга оширилади, сўнг файлларни “шифолашга” ўтилади. Хозирда қуйдаги полифаглар маълум: Aidstest, Scan, Norton AntiVirus, Doctor Web, Casperski. Янги вирусларнинг пайдо бўлишини инобатга олиб, доктор-дастурларнинг ва детектор-дастурларнинг лахжаларини янгиллаб туриш лозим;

**3. ревизор-дастурлар.** Улар вируслардан мухофаза қилувчи энг ишончли восита деб ҳисобланади.

Ревизорлар компьютер зарарланмасдан олдин дастурларнинг, каталогларнинг ва дискнинг тизим мухитини бошланғич ҳолатини эслаб қоладилар, сўнг вақти вақти билан бошланғич ҳолатни жорий ҳолат билан солиштириб турадилар. Аниқланган ўзгаришлар экранга чиқарилади. Шунингдек текширилаётган дастурдаги, вирус томонидан киритилган ўзгаришларни тозалаш мумкин. Ревизор-дастурлар сафига Adinf дастури киради;

**4. фильтр-дастурлар,** ёки «қорикчилар». Улар резидент дастурлар бўлиб, компьютер иш ҳолатида вирусга мансуб бўлган шубхали ҳолатларни аниқлаш учун хизмат қилади. Шубхали ҳолатларга .exe, .com кенгайтмали файлларга ўзгартириш киритишга ҳаракат қилиш, файл атрибутларини ўзгартириш, дискнинг юкланувчи секторига ёзиш, резидент дастурни юклаш киради. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳаракатларни бирор-бир дастур бажармоқчи бўлс «қорикчилар» бу ҳақида фойдаланувчига ахборот юборади ва ҳаракатларни ман қилишни ёки бажаришни таклиф қиладилар. Фильтр дастурларнинг фойдалилиги шундаки, улар вирусни бошланғич ҳолатида аниқлашни таъминлаб беради, лекин файл ва дискларни тузатмайди. Фильтр дастурларга мисол Vsafe. Бу дастур MS DOS утилит пакети таркибига киради;

**5. вакцина ёки иммунизатор.** Улар резидент дастурлар бўлиб файлни зарарланишини олдини олади. Вакцина дастурни ёки дискни шундай модификациялайдики, вирус уларни зарарланган деб ҳисоблайди ва кирмайди. Вакциналар чекланган ҳолда қўлланилади.

Компьютерни вирус билан зарарланишдан олдини олиш усулларига қуйидагилар киради:

1. Компьютарни антивирус дастурлар билан таъминлаш ва вақти вақти билан уларни янгилаб туриш.

2. Бошқа компьютерда ёзилган ахборотни дискдан ўқишдан олдин , ҳар доим дискни вирус бор йўқлигига текшириш.

3. Архивланган файлни ўз компьютерга қаттиқ дисска кўчириб очгандан сўнг тезда текшириш.

4. Вақти вақти билан антивирус дастурларни ишлатиб қаттиқ дискни вирус бор йўқлигига тешириб туриш керак. Бундай ҳолларда антивируслар, хотирани, фалларни ва дискнинг тизим мухитини текшириш учун, ёзишдан беркитиб қўйилган дисклардан ишлатиш керак. Шунингдек олдинроқ амалиёт тизимини ҳам ёзишдан беркитиб қўйилган дисклардан юклаш лозим.

5. Ҳар доим бошқа компьютерда ишлаганда ўз дискларни ёзишдан беркитиб қўйиш керак, агар диссга бирор ахборот ёзилмаса.

6. Албатда қимматли ахборотларни архив нусхаларини қилиш керак.

7. Амалиёт тизимини ёқишда ёки қайта юклашда диск юритувчида дискни қолдириш керак эмас, акси ҳолда компьютерни юклўвчи вирус билан зарарлантириш мумкин.

8. Ҳамма компьютер тармоҳларидан олинадиган бажарилувчи файлларга кириш учун назорат қилиш антивирус дастурларидан фойдаланиш лозим.

## **Интернетда ишлаганда хафсизлик чоралари**

Интернетда ишлаганда, биринчи навбатда, локал компьютерда ишлаганда қабул қилинган ҳамма хафсизлик чораларига риоя қилиш керак. Махсус чораларга қуйдагилар киради.

Веб\*саҳифаларни юклаганда, компьютерни иш фаолиятини бузувчи актив Java-апплетлар, ActiveX объектлар ва дастурий файллар диссга тушиб қолиши мумкин. Internet Explorer юқори сифатли хафсизлиликни ва 128-битлик шифрловчи калитдан фойдаланишни таъминлайди У

кўрилаётган тармоқнинг веб-тугунларини тўртта зонага бўлиш имконини беради, уларнинг ҳар бири бир неча ҳафсиз сатҳга эга. Энг жиддий назоратдан нотаниш бўлган веб-тугунларни ўтказиш лозим. Қанчалик муҳофаза даражаси юқори бўлса шунчалик веб-тугунлардан ахборотларни сизни компьютерингизга узатилиши чегараланади.

Ахборотни Интернетда муҳофаза қилиш усулларида бири маълумотларни шифрлаш. Хохирги вақтда Интернетда носимметрик криптографик тизимлар қулланилади. Бу тизимлар иккита калитга очик (оммавий) ва епик (шахсий) калитларга асосланган.

### **Синов саволлар**

1. Компьютер вируслари нима? Компьютер вируслари қандай хоссаларга эга?
2. Компьютер вируслари қандай хусусияларига қараб синфларга бўлинади? Вирус турларини айтиб беринг.
3. Қандай вируслар резидент деб аталади? Уларнинг хусусиятларини айтиб беринг.
4. Вирус-репликатор, мутант ва «троянских» дастурларининг фарқи нимада?
5. Юкланувчи вируснинг иш фаолият схемасини тавсифлаб беринг.
6. Файл вирусини иш фаолиятини тавсифлаб беринг.
7. Полиморф вирус нима? Унинг ҳафлилиги нимадан иборат?
8. Вируснинг компьютерга кириш йўллари қандай ва зарарланган компьютерни қандай билса бўлади?
9. Компьютер вирусларидан муҳофаза қилиш усуллари айтиб ўтинг.

**9-МАРУЗА**  
**.ИНТЕРНЕТ ТАРМОҚЛАРИДА ДАСТУРЛАШ**  
**ТИЛЛАРИ.**  
**HTML, PHP, JAVASCRIPT.**

Режа:

1. Интернет бўлими (www).
2. HTML тили.
3. JAVA программалаштириш тили.
4. JAVASCRIPT программалаш технологияси.

World Wide Web шундай кенг тарқалган мультимедиявий Интернет бўлимики, унда фойдаланувчилар нафақат мантлӣ, балки графика ва видео файлларни ҳам кура олиши, шунингдек мусика тинглаши мумкин. Webда кидирувни бир объектдан иккинчи объектга, бетдан-бетга, булимдан-булимга осонлик билан утишда кул келувчи гиперссўлкалар ёрдамида амалга ошириш мумкин. Webда Интернетдаги каби фойдаланувчи бутун дунё компьютер тизимлари сакланадиган файлларни кидиришлари, укишлари ва саклашлари мумкин. Зотан, Webда файллар одатда Web-саҳифалари деб аталувчи бир катор интерактив «саҳифалар» курунишида намоён булади. World Wide Webни биринчи бор 1989 йил Тим Бернес – Ли оммага тақдим этган. World Wide Web жуда ҳам муваффақиятли эди ва у Интернет микёсининг кенгайишига олибкелди.

Web-тармоқлар Webга уланган компьютерларда сакланувчи бир ёки бир неча узаро боғланган файллардан ташкил топади. Матн, графика, аудио ёки видеотасма курунишидаги ахборот бир ёки бир неча Web-саҳифаларга тақсимланган булади. Бу Web-саҳифалардан гиперссўлка, яъни бир файлдан бошқа файлга, ёки файлнинг бир жойидан бошқа бир жойига «сакраб утиш» имконини берувчи

электрон алокалар ёрдамида фойдаланилади. Web-тармоқларнинг яратилишида HTML (Hyper Text Markup Language) номи билан машхур белгилар тилидан фойдаланилади. Web-саҳифаларни куздан кечириш учун Microsoft фирмасининг Internet Explorer ёки Netscape Navigator дан фойдаланиш зарур. Web-тармоқни очгандан сунг биринчи бўлиб фойдаланувчининг кузига ташланадиган саҳифа бу Уй саҳифасидир, яъни Home Page. Бу саҳифа тармоқнинг максад ва белгилари хақида ахборот беради, шунинг учун ҳам асосий рол уйнайди. Бундан ташқари, сизнинг кизиқишларингиз ёки тижорат фоалияти борасида қисқача ахборот беради. Баъзан Уй саҳифасини биринчи саҳифа деб ҳам аталади. HTML-тили ёрдамида: Web-саҳифа шунингдек кейинчалик Интернетга жойлаштириш мумкин бўлган узининг Уй Web-саҳифасини яратиш ва устида ишлаш; Интернетдан олинган HTML хужжатларга киритилган барча объектлар (расмлар, анимациялар ва бошқалар) уз вазифасини бажариш учун Ушбу HTML хужжатларни таҳрирлаш; Гипермантли ссўлка ҳамда хужжатга HTML расмлар, диаграммалар, анимациялар, видеотасмалар, мусикавий ва оғзаки ёрдам, матнли махсус эффектлар (масалан, югурувчи катор)ни киритиш имконияти туфайли мультимедиявий презентациялар, слайд-шоу, курғазмали лойиҳалар яратиш мумкин. Web-саҳифа яратишнинг бир неча йули мавжуд: - Windowsга бириктирилган NotePad(Word Pad) мантли муҳаррирдан фойдаланиш ва яқуний натижани браузер ёрдамида қуриш. Бу усулнинг технологияси қуйидагича: Word Pad муҳаррида файл яратилади ва \*.htm кенгайтмаси билан сакланади. Сунг бу файл ишга туришилади ва Internet Explorer (IE) да қурилади; - Махсус HTML хужжати муҳаррирларидан фойдаланилади. Масалан, Hot Metal Light, Hot Dog Professional, MS Front Page, HTML Pad, Dream Weaver, All aire Home Site, 1st Page 2000; - MS Word муҳаррирдан фойдаланиб, тайёр хужжатни HTML коди остида саклаш ва браузер ёрдамида куздан кечириш. HTML (Hyper Text Markup Language) – белгилли тил бўлиб, яъни бу тилда ёзилган код уз

ичига махсус рамзларни мужассамлаштиради. Бундай рамзлар хужжат курунишини факатгина бошкариб, узи акс эттирилмайди. HTMLда бу рамзларни тэг (тэг – ёрлик, белги) деб аталади. Бу матн калин шрифт билан чиқади. HTMLда хама тэглр рамз-чегараловчилар (< , >) билан белгиланади. Улар орасига тэг идентификатори (номи, масалан В) ёки унинг атрибутлари ёзилади. Ягона истисно бу мураккаб чегараловчилар (<!--ва -->) ёрдамида белгиланувчи шархловчи тэглрдир. Аксарият тэглр жуфти билан ишлатилади.

Очувчи тэгнинг жуфти ёпувчи тэг. Иккала жуфт тэг факатгина ёпувчи тэг олдидан «слэш» « / » куйилишини хисобга олмаганда, деярли бир хил ёзилади. Жуфт тэглрнинг асосий фарки шундаки, ёпувчи тэг параметрлардан фойдаланмайди. Ёпувчи тэга эхтиёжи булган тэг яна контейнер деб хам аталади. Очувчи ва ёпувчи тэг орасига кирувчи барча элементлар тэг контейнери таркиби дейилади. Ёпувчи тэга эхтиёжи булмаган бир катор тэглр мавжуд. Баъзида ёпувчи тэглр тушириб колдирилса хам замонавий браузерлар аксарият холларда хужжатни тугри форматлайди, бироқ бунга амалда куллаш тавсия этилмайди. Масалан, расм куйиш тэги <IMG>, кейинги каторга утиш <BR>, база шрифтини курсатиш <BASEFOND> ва бошкалар узининг </IMG>, </BR> ва хакозо ёпувчи жуфтларисиз ёзилиши мумкин.

Нотугри ёзилган тэгни ёки унинг параметри браузер томонидан рад килинади. (бу браузер танимайдиган тэглрга хам тааллукли). Масалан, <NOFRAMES> тэг-контейнери фафкатгина фреймларни танийдиган браузер томонидан хисобга олинади. Уни танимайдиган браузер <NOFRAME> тэгини тушунмайди. Тэглр параметр ва атрибутларга эга булиши мумкин. Параметрлар йигиндиси хар бир тэг индивидуалдир. Параметрлар куйидаги коида асосида ёзилади:

- Тэг номидан сунг пробеллар билан ажратилган параметрлар келиши мумкин;

- Параметрлар ихтиёрий(произвольнўй) тартибда келади;
- Параметрлар узининг номидан кейин келувчи «к» белгиси оркали берилувчи кийматларга эга булиши мумкин.
- Одатда параметрлар киймати « » - «куштирнок» ичида берилади.
- Параметр кийматида баъзан ёзув регистри мухим.

HTML ва бошқа программа воситалари ёрдамида тайёрланган Web саҳифаларида фойдаланувчига тушунарли куринишда тасвирлаш учун махсус программалар ишлаб чиқилган булиб, бундай программалар **браузер** программалар деб аталади. Хозирда бир неча шундай программалар ишлаб чиқилган булиб, улар табиий равишда ҳужжатларни куришни турлича тахрир қиладилар. Булар орасида кенг тарқалган Microsoft Internet Explorer ва Netscape Navigator программаларидир. Биринчи программа текинга берилса (албатта, Windows лицензион программаси мавжуд булса), иккинчиси тижорат шаклида (пулли) тарқатиладиган программаларидир. Биз асосан Microsoft Internet Explorer га тухтаймиз, чунки хозирда у Web саҳифаларини куришнинг юксак курилига айланган. У Windows 98 да браузер эмас, балки, хатто шархловчи деб ҳам юритилади. Бунинг асосий сабаби, HTML ва бошқа программа воситаларидан (Java, Java Script) фойдаланиб тузилган. Web саҳифаларини унинг фойдаланувчига тушунарли куринишда шархлаб беришидадир. Шундай қилиб, браузернинг асосий вазифаси URL адресларда жойлашган Web саҳифаларини компьютерга юклаш ва уни фойдаланувчигв тушунарли куринишда монитор экранида курсатиб беришидир.

Албатта HTML вақт утиши билан мукамаллашиб боради. HTML андозалари ҳам такомиллашиб боради. DHTML (Dunamic HTML)- HTML ҳужжатнинг янги андозасидир. У куйидаги янгиликларни амалга оширади.

- HTML - ҳужжатни куришни мумкин булган ходисалар сонини кенгайтириш.

- HTML - хужжатга унинг мос элементининг параметри булган форматлаш стилини, яъни харф улчови, матн ранги, абзац чекинишлари ва хоказо имкониятини киритиш.

Стилли форматлаш, HTML хужжат ичида матнни расмийлаштириш, вариантларини тасвирлаш учун хизмат килади. Бу эса HTML ичида мустакил равишда шрифтларни ва уни улчамини, абзац чекинишларини элементларнинг рамкаси, рангларини ва бошқаларни бериш имкониятларини тугдиради. Браузер программа куриб чиқадиған ходисалар сонини купайтириш хужжат дизайнини яхшилашга олиб келади. Бундай имкониятлар, яъни DHTML андозани куллаш факат MS Internet Explorer 4.0 дан бошлаб амалга оширилди. Эски браузерлар DHTML ни кулламаслиги хам мумкинлигини эсда саклаш лозим.

#### **HTML да ПРОГРАММАЛАШ ТИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

HTML ни ривожда DHTML дан ташкари Internet саҳифаларини яратишда яна бир имконият – программалар ишчи ҳолатини саклаб туриш пайдо булади. Унинг ёрдамида HTML хужжатга у ёки бу эффектларни (янги элементларни) киритиш мумкин. Бунинг учун Java программалаш тилидан фойдаланилади. Ҳозирда HTML хужжатларни ишлаб чиқишда Java амалий андоза булиб, Internet амалий программаларини яратиш учун кулланилади. Унинг ёрдамида программалар ахборот серверлар ҳамда HTML хужжатлар учун ёзилиши мумкин. У аппаратга (компьютерга) боғлиқ бўлмаган тил сифатида яратилганлиги унинг универсаллигини таъминлайди. Java IBM PC, Macintosh, UNIX системали, яъни турли платформали компьютерларда бемалол ишлайверади. Табиийки, ҳозирча мавжуд браузер программалар уни “тушунади”.

#### **JAVA ПРОГРАММАЛАШ ТИЛИ**

**Java** бизга маълум программалаш тилларига (C, C++) ухшаб курилган, яъни унинг ҳам уз объектлари мавжуд. Java айникса, кидириш имкониятини кучайтиришни амалга оширувчи ахборот серверлар яратишда кенг кулланилмокда. Фойдаланувчи компютерида унинг ишлатилиши хар сафар код сахифасини киритиш билан боглик булади(акс холда, браузер маълумотларни тушунмаслиги мумкин). Шунинг учун ҳам, у мижоз компьбтерда ишлатилиши кийнрок кечиши холлари учрайди.

Фойдаланувчи компютерида ишлаш учун мулжалланган Java ёзилган программаларга **Java Applet** деб аталади. Улар ахборот сервернинг махсус каталогларида сакланади. Дизайнер HTML хужжатга мурожаат килишни кушади. Фойдаланувчи ушбу Applet ни компютерларга юклашда браузер программа уни топади ва уни мижоз компютерга юклайди. Шундан сунг бу программа фойдаланувчи компютерида ишлай бошлайди. Шундай килиб, Java Applet куйидаги схема буйича ишлайди;

- Махсус кодларга эга булган программага эга булиш;
- HTML хужжатда бу программа тасвири мавхуд булиши;
- Программа мижоз компютерга хужжат матни билан биргаликда жойлашиши;
- Браузер бу программани ишга тушириши ва керакли эффектни амалга ошириши.

**Java** ни бу тарзда ишлашини таъминлаш фойдаланувчидан, албатта, ушбу сохага оид кандайдир билимни талаб килади.

## JAVA SCRIPT

Java Script – бу программалаш технологияси булиб, HTML хужжатларни яратишда ишлатилади. Унда макробуйрук технологияси, яъни бир неча буйрукни бир макробуйрук шаклида тасвирлаш кенг кулланилган. Бу макробуйрук

матнлари махсус коидалар асосида ёзилади. У HTML хужжатга киритилади. HTML хужжатга мурожат қилишда браузер уни топиб шархлайди ва унда келтирилган буйруқларни бажаради. Java Script даги программаларнинг афзаллиги унинг информация серверлардан ва браузер программаларидан назарий боғлиқсизлигидир. Фойдаланувчи уз саҳифасида программа кодини (масалан, 18)курсатиб, ихтиёрий операцион системада унинг бажарилишига умид қилиши мумкин. Java Script нинг бошқа версиялари мавжуд бўлгани учун, масалан Icript, VB Script (Visual Basic Script) ва бошқалар одатда тэгида уни HTMLнинг Java Script киритилган жойда қуйидагича курсатилади:

<SCRIPT Language="Java Script"> ёки

<SCRIPT Language="J Script">

<SCRIPT Language="VB Script">

#### **JAVA SCRIPT ПРОГРАММАЛАШ ТИЛИ ТУЗИЛИШИ**

Java Script ҳам программалаш тилига ухшаб кетади. У уз ташкил этувчиларига эга. Унинг ташкил этувчилари узгарувчилар, массивлар, операторлар, объектлар, функциялар, ходисалар, коментариялар...

Java Script да кичик ва катта ҳарфлар фарқланади. Бундан ташқари, интерпретар программаси бушликларни эътиборга олмайди, ҳар бир оператор (;) билан тугаши (агарда янги сатрдан ёзилган бўлса) талаб қилинади.

**Узгарувчилар.** Узгарувчилар номлари албатта ҳарфлардан ёки тагига чизик белгиси билан бошланиши лозим. Узгарувчилар тасвирланиши тавсия этилади. Бунда узгарувчилар бутун, ҳақиқий, стр, мантикий қийматлар қуринишида бўлиши мумкин.

**Массивлар.** Массивлар одатдагидек ном ва индексга эга булади. массивни тасвирлаш куйидагича булади.

arr Массив номи: индекслар руйхати.

Мисол: arr Mir[i] [j]

**Операторлар.** Java Script да арифметик, мантикий, бит, сатр куринишидаги операторлар мавжуд. Бундан ташкари операторлар блоки, шартли цикл операторлари ишлатилади.

**Функциялар.** Java да функциялар куйидаги куринишда булади:

Function функция номи ((аргумент1),(аргумент2),...,(аргумент n)) {операторлар}

Лозим булса, функция номига бирор киймат берилиши мумкин ва бунинг учун:

Return (операторлар);

операторларидан фойдаланилади.

Мисол: function f(x) {return x^3}.

Java Script да одатдагидек фаркли объект киритилади.

**Объект.** Объектнинг хоссалари деб аталувчи баъзи бир берилганларнинг (хужжат, ой-йиллар, куринишлар ва бошқалар) мажмуидир. Мисол учун хужжат объект куйидаги хоссаларга эга: матн ранги, фон ранги, охирги узгартириш санаси, хужжат утган URL ва шунга ухшашлар. Куп объектлар Java Script да мавжуд булса, (хужжат, ойна, кадр, форма ва бошқалар) баъзилари фойдаланувчи томонидан яратилади.

**Ходисалар.** Ходисалар Java Script элементи булиб, улар керакли амалларни маълум вақтларда ишлатиш имкониятини беради. Уларнинг баъзиларини келтирамиз. Булар берилган элемент устида сичкончани топиш, объектдан ажратишни бекор қилиш ва бошқалар. Объект устида бажариладиган ходисалар мажмуи ҳам белгиланган.

Синов саволлар:

1. Internet Explorer программаси қандай ишга туширилади?
2. DHTML ҳақида нималарни биласиз?
3. HTML да қандай программалаш тилларидан фойдаланилади?
4. JAVA SCRIPT html да нима учун ишлатилади?
- 5.

10-март.

### **АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА РИВОЖЛАНИШИ.**

Президентимиз И. А. Каримов мамлакатимизни XXI аср арафасида ривожланиш стратегиясини олий устивор йўналишга бўлиб, ҳар бири тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди: **«Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади».** Ахборот технологиялари бўйича информатика соҳасида кадрлар тайёрлаш, шу жумладан Internet технологияларини барча соҳаларда кенг жорий қилиш долзарб масаласи эканлигини алоҳида уқтирдилар.

Президентимиз ўз мартуаларида бу борада қуйидагиларга эътиборни қаратди: *янги дарсликлар, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида чиқиши ва уни амалга оширишни таъминлаш; юқори малакали педагог кадрларни қайта тайёрлаш, уларни сифатини ошириш, ислохот*

*даврида, ўрта махсус касб-хунар таълими учун 86 та янги муҳандис-педагогик йўналишлар бўйича 50 мингдан ортиқ педагог кадрлар лозимлигини таъкидлади.*

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Республикамиз миллий кадр тайёрлаш дастурида информатика ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига кенг тадбиқ қилиш масаласи кўндаланг қўйилган.

Информатика жадал суратлар билан тез ривожланаётган фан йўналиши бўлиб, ҳозирда у қамраб олмаган бирор соҳани топиш қийин. Турли йўналиш бакалаврлари учун, бунинг назарда тутиб информатикада нимани ўқитиш керак? деган саволга жавоб бериш оддий эмас. Информатика предмети бўйича олий ўқув юрларида турли ихтисосликлар учун ажратилган ўқув соатлари турлича. Шунинг учун информатика фани бўйича Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта таълим вазирлиги белгилаган мутахассислар гуруҳи йиғилиб ягона умумий дастур тузилди.

Ахборот технологияларига бутун дунёда эътибор катталигини куйидагилардан ҳам эътироф қилиш мумкин: маълумотларга қараганда, А+Шда ахборот технологияга аҳоли жонбошига 1905, Япония 964, Германия 613, Франция 559, Англия 505, Ирландия 283, Россия ва Украинада эса 14 ва 4 А+Ш доллари тўғри келади. Ривожланган мамлакатлар аллақачон ўзларига бугунги кундаги ахборот технологияларидаги инвестициялар эртанги кун фан ва техникасининг тараққиёт даражасини белгилайди деган машҳур қонидани ўзлаштирганлар. Бу масалага бизнинг республикамызда ҳам катта эътибор берилмоқда.

Маълумот ёки ахборот тарихан моддий ва маънавий бойликлар қаторидаги кадрлардан бўлиб келган. Тинч ҳаёт даврида ҳам ашёни қайта ишлаш, иншоотларни пухта қилиб яратиш, табиат инжиқликларига бардош бера олишга доир тажриба хулосалари ёзма ёки оғиздан - оғизга қўчувчи маълумот, оила, қабила ва миллат-элатларни мавқеини белгиловчи манба ва бойлик сифатида қадрланган. Уруш ёки таҳликали кунларда эса душман қуроли кучлари, режалари, мудофаа имкониятлари ҳақидаги маълумот ҳаёт-мамонт

масаласи бўлган. Шу боис маълумотга нисбатан ҳар доим уни сақлаш, тезкорликда узатиш ва тўғри таҳлил қилиш каби масалалар далзарб бўлиб келган. Масалан, маълумотни қулай ва ишончли сақлаш мақсадида қоғоз ихтиро қилинган, тезкорликда ва таъсирчан узатиш учун телеграф телефон, радио, телевидение ихтиро қилинган. Тўғри ва тезкор тарзда катта ҳажмдаги маълумотни қайта ишлаш мақсадида эса компьютер ихтиро қилинган дейиш мумкин.

Ишлаб чиқариш кучлари имкониятлари ҳамда фан-техника юқори чўққиларга кўтарилган замонда ҳам маълумот ёки ахборот ўта муҳим аҳамиятга эга товар сифатида намоён бўлади. Энди янги маълумот ёки билимларни яратувчи бир қатор мутахассисликлар мавжудки, муайян шахс, ташкилот, тармоқ ҳатто давлатлар тақдири ва салоҳияти улардан ўз вақтида олинган сифатли маълумотларга боғлиқ десак муболаға бўлмайди. Бу мутахассисларни куч-қудрати бир томондан ўз соҳаларидаги юқори малакаси билан белгиланса, иккинчи томондан ҳисоблаш машиналари (компьютерлар) замонавий информацион технологияларни ўзлаштирганликларида намоён бўлади. Ҳақиқатан ҳам компьютер, аниқроғи у ва унга уланадиган нихоятда ва унинг имкониятларини кенгайтирадиган ёрдамчи қурилмалар мажмуаси, қуйидаги тузимга кўра маълумотни қайта ишлайди: ахборот-компьютер-ахборот.

Кўп ҳолларда компьютерга киритиладиган ахборот билимлар ёки маълумотлар базаси сифатида намоён бўлади, унда ҳосил қилинган ахборот эса ўз истеъмолчисига эга бўлган юқори баҳоларга эга товар сифатида кадрланади.

Хулоса қилиб айтганда, бир томондан энг хоридоргир товар янги маълумотни яратиш, қайта ишлаш ва узатиш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиб етишиш, талабларга бўлган мутахассисларни шакллантириш бўлса, иккинчи томондан бу мақсадга эришишда уларга мураббийликни ва шароитларни таъминлаш олимларнинг вазифасидир.

Компьютерлар имкониятлари такомиллашуви ҳамда ишлаб чиқариш ва ҳаётни турли соҳаларига интенсив тарзда кириб бориши мос фан соҳасини информатика фани предметини

бир неча бор тубдан янгиланишига олиб келган. Хозирги кунда компьютер ва унга мос дастурий таъминот базаси имкониятлари бу фанни ўқитишда хар бир соха мутахассисларига муайян билим ва кўникмалар мажмуасини белгилаш имконини беради ва тақозо қилади. Бу йўсиндаги мажбурийлик; компьютер унга уланадиган қурилмалар мажмуаси ҳамда мавжуд амалий дастур катта бўлгани учун бир киши тамонидан тўла қонли ўзлаштириши нихоятда мос билимлар жонли мушкул масала эканлигидан келиб чиқади. Шу боис биз информатика фани дастурини мутахассисликларга кўра уч турга ажратишни таклиф этамиз: физика-математик, механика ва мухандислик касблари, табиий фанлар, жумладан тиббиёт ва иқтисодиёт фанлари ҳамда гуманитар фанлар учун алохида.

### Адабиётлар

1. М.Арипов. Internet ва электрон алоҳа асослари (сөзбек тилида). Тошкент, Университет, 2000, 132 б.
2. Стахнов Алексей. Linux. - 2-е изд.. - СПб.: БХВ-Петербург, 2005. - 944 с.: ил.. - (В подлиннике). - (Библиотека программиста №2; 2005/6).
3. Коплиен, Джеймс О. , Программирование на С++: Пер. с англ.. - СПб.: Питер, 2005. - 480 с.: ил.. - (Классика computer science). - (Библиотека программиста №2; 2005/4).
4. Шахов, М. , Photoshop CS и цифровая фотография/ М. Шахов, Т. Данилова, Ю. Гурский. - СПб.: Питер, 2005. - 336 с.: ил. + 8 цв. ил.. - (Популярный самоучитель). - (Библиотека программиста №6; 2005/5).
5. Бондаренко, С., Word 2003/ С. Бондаренко, М. Бондаренко. - СПб.: Питер, 2005. - 380, (4) с.: ил.. -

(Популярный самоучитель). - (Библиотека программиста №4; 2005/4).

6. Иванов Виталий, Интернет для начинающих: Самоучитель. - СПб.: Питер, 2005. - 240 с.: ил.. - (Библиотека программиста №4; 2005/6). - (Самоучитель).

7. Отоцкий Юрий . Самоучитель Office XP. - СПб.: Питер, 2005. - 576 с.: ил., прил.. - (Самоучитель). - (Библиотека программиста №4; 2005/11).

## М У Н Д А Р И Ж А

- 1-Маъруза. Қайта ишлашни автоматлаштириш.
- 2,3,4-Маъруза. Илмий тадқиқот ишларини автоматлаштириш воситалари.
- 5-Маъруза. Компьютер тармоқлари. Тармоқларнинг техник таъминоти.
- 6,7-Маъруза. Глобал Интернет тармоғи. Илмий ишларда Интернет сервисларининг қулланилиши.
- 8-Маъруза. Компьютер хавфсизлиги муомолари, уларни хал қилиш усуллари.
- 9-Маъруза. Интернет тармоқларида дастурлаш тиллари. HTML,PHP,JAVASCRIPT.
- 10-Маъруза. Ахборот технологияларининг ҳозирги замонда ривожланиши.